

HISTORY OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTON TARIXI

1/2019



МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- Ё. Муҳаммедов ЎзМУ Тарих факультети таянч докторанти
- Т. Гюль ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- Т. Котюкова Россия ФА Умумий тарих институти сектор мудири,
т.ф.н.
- Ж. Перемкулов ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- Ш. Равшанов ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти
- О. Рашидов ЎзМУ Тарих факультети “Манбашунослик ва ақливи
шунослик” кафедраси доценти, тарих фанлари бўлими
чи фалсафа доктори PhD
- Ф. Шамуқарамова ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- С. Нуржанов ЎзР ФА Қорақалпоқ бўлими Ижтимоий фанлар ил-
мий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими,
т.ф.н.
- Е. Абдуллаев Тошкент православ семинарияси кафедра мудири

Муқовади: Устурлаб. XVII аср. Бронза. Тошкент. Ўзбекистон тарихи
Давлат музейи.

На обложке: Астролябия. XVII в. Бронза. Ташкент. Государственный
музей истории Узбекистана.



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

1
2019

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Ilmий журнал

МУНДАРИЖА

Мақолалар

- Ё. Муҳаммедов.** Илк ўрта асрларда Чоч: бошқарув шакли билан боғлиқ айрим масалалар 3
- Т. Гюль.** Исломга қадар бўлган Чочда маънавий маданият масаласига доир (Тошкент воҳаси) 17
- Т. Котюкова.** “Қуёшдан толиққанлар”: Биринчи жаҳон уруши йилларида австро-венгр ва немис ҳарбий асирларининг Туркистонда сақланиши (*давоми*) 29
- Ж. Перемкулов.** Тошкент обсерваторияси фаолияти тарихи 45
- Ш. Равшанов.** Россия империяси марказий губернияларидан Фарғона вилоятига кўчирилган аҳолининг ижтимоий ҳаёти тарихидан 55
- О. Рашидов.** Совет ҳокимиятининг маҳаллийлаштириш сиёсати ва уни Ўзбекистонда амалга оширилиши 64

Тарихи нунослик

- Ф. Шамукарамова.** XIX асрнинг иккинчи ярми – 1917 йил Туркистон ўлкасида «мусулмон ренессанси» даври шаҳарларининг археологик ўрганилиши тарихидан 76
- С. Нуржанов.** 1930 йй. Қорақалпоғистон даврий матбуоти саҳифаларида «халқ душмани» образининг шаклланиши 89

Тарих ва адабиёт

- Е. Абдуллаев.** “Руслар” Ўзбекистонда, Ўзбекистонлик “руслар”: адабий нарративда тарихий хотиранинг икки типи 97

Юбилей

- Ученому и наставнику
Р. Шамсутдинову 80 лет 107

СОДЕРЖАНИЕ

Статьи

- Ё. Мухаммедов. Чач в раннем средневековье: некоторые вопросы, связанные с его формами правления 3
- Т. Гюль. К вопросу о духовной культуре доисламского Чача (Ташкентский оазис) 17
- Т. Котюкова. «Утомленные солнцем...»: особенности пребывания и содержания австро-венгерских и германских военнопленных в Туркестане в годы первой мировой войны (продолжение) 29
- Ж. Перемкулов. История деятельности Ташкентской обсерватории 45
- Ш. Равшанов. История социальной жизни переселенцев внутренних губерний Российской империи в Ферганской области 55
- О. Рашидов. Политика коренизации советской власти в Узбекистане и ее проведение 64

Историография

- Ф. Шамукарамова. Из истории археологического изучения городов периода «мусульманского ренессанса» в Туркестанском крае во второй половине XIX – 1917 год. 76
- С. Нуржанов. Формирование образа «врага народа» на страницах периодической печати Каракалпакстана 1930-х годов 89

История и литература

- Е. Абдуллаев. «Русские» в Узбекистане, «русские» из Узбекистана: два типа исторической памяти в литературном нарративе 97

Юбилей

- Олим ва мураббий Р. Шамсутдинов 80 ёшда 107

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Сурайё Каримова
(бош мухаррир ўринбосари)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдухалимов
Мируэрт Абусеитова
(Қозғонистон)
Адҳам Аширов
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Доинёров
Дано Зияева
Мирсодиқ Исмоков
Марианна Камп (АҚШ)
Татьяна Котюкова
(Россия)
Шаши Мустафаев
(Озарбайжон)
Нодира Мустафаева
Азимхўжа Отахўжаев
Катрин Пужоль
(Франция)
Мирзохид Рахимов
Эдвард Ртвеладзе
Валерий Хан
(бош мухаррир ўринбосари)
Нозим Ҳабибуллаев
Флориан Шварц
(Австрия)
Темур Ширинов
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Терншга берилди
25.06.2019.

Босишга рухсат этилди
25.07.2019.

Қоғоз бичими 70x100¹/₁₆.
Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет қоғози.

Ҳисоб-нашриёт т. 5,25.

Шартли босма т. 5,0.

150 нусха.

Буюртма № 541.

Келишилган нарҳда.

«NISO-POLIGRAF» МСНҲ
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент в., Машъал маҳалласи,
Марказий кўчаси, 1-уй.

Мақолалар

Ё. МУҲАММЕДОВ

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЧОЧ: БОШҚАРУВ ШАКЛИ БИЛАН
БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жой олиб, географик жиҳатдан ушбу дарёнинг нисбатан ўрта хавзаларда жойлашган Чоч воҳаси илк ўрта асрларда дастлаб Эфталитлар (420-565), сўнгра эса Турк хоқонлиги Ғарбий Турк ябғу хоқонлиги (552-744) қўл остидаги Фарғона, Уструшона, Суғд (Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб ва ҳ.к.), Бухоро, Хоразм ва Тўхористон каби Амударё ҳамда Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликларидан бири эди. Айниқса, бу ҳолат Турк хоқонлиги даврига алоқадор ёзма ва археологик материалларда ўз ифодасини топган. Дарвоқе, илк ўрта асрларга оид ёзма ёдгорликлар (хитой, византия, суғдий, араб, форс ва қадимги турк) ва нумизматик материалларга мурожаат қилсак, бу даврда ушбу ҳукмдорликлардан муайян бир қисмида маҳаллий сулолалар бошқаруви мавжуд бўлганлиги (асосан, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразмда), қолган бир қисмида эса Турк хоқонлигининг бир қаноти бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) билан у ёки бу даражада боғлиқ сулолалар ҳукм юритганлиги маълум бўлади (Чоч, Фарғона, Тўхористонда).

Илк ўрта асрларда Чоч ҳукмдорлигининг бошқарув шакли ва воҳадаги ҳукмрон сулолаларнинг келиб чиқиши масаласи бир қатор нашрларда бирмунча ўз ифодасини топган бўлиб, улар сирасига Э. Шаванн, О.И. Смирнова, Ю.Ф. Буряков, А. Муҳаммаджонов, М.И. Филанович, Э.В. Ртвеладзе, Г. Богомолов, Ж.К. Скэфф, Ф. Грене, Э. де ла Вессьер, З. Штарк, М. Исҳоқов, Ш. Камолиддин, Л. Баратова, А. Хўжаев, Ғ. Бобоёров, А. Кубатин, А. Кузнецов, В. Шагалов, М. Ҳотамованинг тадқиқотларини киритиш мумкин¹. Хусусан, Ю.Ф. Буряков археологик

¹ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970; Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1975; Буряков Ю. К истории раннесредневекового Чача // O‘zbekiston tarixi. 2002. №3. 10–20 бетлар; Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // Общественные науки Узбекистана. 1982. № 8. 31–38 бетлар; Филанович М.И. Еще раз о донесении «Фатухфарна» в связи с историей Ташкента // Марказий Осиёда урбанистик жараёнларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари» маърузалар матни. Самарқанд, 1995. 108-110 бетлар; Муҳаммаджонов А. Қанг – қадимги Тошкент ва тошкентликлар. Тошкент., 2009;

ва ёзма манба маълумотларидан келиб чикиб, бу даврда Чоч воҳасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва маъмурий марказларини аниқлаб, ҳоконлик даврида Ашина сулоласига мансуб хонадон бу ерни бошқарганини аниқлаган бўлса², Э.В. Ртвеладзе нумизматик материаллар асосида воҳада бир неча бошқарувчи сулолалар мавжуд бўлганини олға сурган³. Ғ. Бобоёров асосан хитой ва қисман суғдий тилли манбалар ва нумизматик материаллардан келиб чиққан ҳолда VII–VIII асрларда воҳада Ғарбий Турк ҳоконлигига алоқадор Чоч Тегинлари ва Чоч Тудунлари каби туркий сулолалар бошқарувда бўлганлигига эътибор қаратди⁴. М. Ҳатамова Турк ҳоконлигида шаҳарсозлик масаласини тадқиқ этиш мобайнида Чоч воҳасининг сиёсий-маъмурий марказлари ва уларнинг ҳоконликка алоқадорлик даражасини кўрсатиб берди⁵. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур тадқиқотчилар Чоч воҳаси тарихи билан боғлиқ кўплаб масалаларга оидлик киритган бўлсалар-да, бироқ ҳалигача ушбу воҳа тарихининг ҳал этилмаган масалалари талай. Уларни шартли равишда куйидагича таснифлаш мумкин:

- Илк ўрта асрларда Чочнинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаётига доир тарихий тасаввурларнинг кўпчилиги ўтган асрнинг 50-60 йилларида олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланган бўлиб,

Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI–X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Тошкент.: ИВАНПУЗ, 1995; Богомолов Г.И., Мусакаева А.А. К вопросу о локализации Тарбанди и его названии // Ташкент: вчера и сегодня. Тошкент., 2007. 6677 бетлар; Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi, №1, 2005. 3-17 бетлар; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент.: Фан, 1992; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kamakura 2002. 155–196 бетлар; Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Ankara, 2002. Vol. 2. 364–372 бетлар; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden, 2008; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III–VIII вв. Ташкент, 2006; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). Тошкент.: Yangi nashr, 2010; Бабаяров Г., Кубатин А. К монетам Чачских правителей тегинов // O'zbekiston moddiy madaniyati tarixi, №35, Самарқанд, 2006. 194-198 бетлар; Хатамова М. Турк ҳоконларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат // O'zbekiston tarixi, №1, 2009. 3-13 бетлар.

² Буряков Ю. К истории раннесредневекового Чача ... Б. 12.

³ Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ, 8, 1982. 31-38 бетлар; Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Том I. Тошкент., 2002. 242-256 бетлар.

⁴ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар ... 25-64 бетлар.

⁵ Хатамова М. Турк ҳоконларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат ... 3-13 бетлар.

воҳа тарихига доир нашрларда яқин йилларда бир қатор тадқиқотчилар (хусусан, Ғ. Бобоёров, А. Кубатин, М. Ҳотамова) томонидан ёзма ва нумизматик материаллар асосида қилинган илмий ишлар ва улардаги хулосалар яна чуқурроқ таҳлилни талаб этади;

- Воҳада ҳукм сурган сулолаларнинг бошқарув марказлари айнан қаерда бўлганлиги масаласи тўлақонли аниқланмаган. Хусусан, Чоч Тегинлари ёки Чоч Тудунларининг бошқарув марказлари қаерда жойлашганлиги масаласи ечилмаган;

- Муайян бир воҳа ҳукмдорлиги сифатида Чочнинг ҳудудлари айнан қаерлардан иборат бўлганлиги борасида бир тўхтама келинмаган. Жумладан, Ғ. Бобоёров бу даврда Чоч асосан Тошкент воҳаси билан чекланган деб ҳисобласа, М. Ҳотамова Чоч ҳукмдорлиги ўз таркибига Тарбанд (Ўтрор), Исфижоб (Сайрам) ва ҳатто Тароз вилоятларининг бир қисмини ҳам ўз ичига олган, деб қарайди;

- Чоч бошқаруви билан боғлиқ равишда Э.В. Ртвеладзе «Қуйироқ даражадаги тегин, тудун ва бошқа унвонлардан фарқли ҳолда ҳокон унвони дастлаб милодий VI–VII асрларда фақат Турк ҳоконлигининг бош ҳукмдорларига тааллуқли бўлган. Кейинчалик у ўзининг аввалги мазмунини йўқотган ва милодий VII аср охири – VIII аср бошларига келиб, ҳатто, майда ҳукмдорлик бошқарувчилари ҳам ўзларини *ҳоқон* деб атай бошлаганлар» деб ёзади⁶ ва воҳа тангаларида ҳоконликка алоқадор равишда ўрин олган бошқарув аънаналарига хос хусусиятларни (*мас.* унвонлар, тамғалар ва ҳ.к.) назардан четда қолдиради;

- айрим тадқиқотчилар, хусусан, Ж.К. Скэфф, Э. де ла Вессьер, Ф. Грене, З. Штарклар Чоч воҳасининг сиёсий бошқаруви бўйича муҳим янги фикрлар билдирган бўлишларига қарамай, воҳадаги ҳукмрон сулолалар билан боғлиқ айрим бирёкламалар ёндашувларда бўлганликларини кўзга ташланади ва ҳ.к. Хусусан, З. Штарк вассал ҳукмдорликлар бошқарувида туркий унвонлар учрашини муайян бир тизим билан эмас, шунчаки тасодиқ ёки “давр модаси” сифатида баҳолаши⁷, Ж.К. Скэфф эса Чоч тудунлари сулоласи вакилларининг унвони туркий, исмлар эса ғайритуркий эканлигини таъкидлашган⁸.

Умуман олганда, ушбу тадқиқотчиларнинг фикрлари қай даражада асосли ёки аксинча, улар ўрганган манба маълумотларининг ишончли-

⁶ Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача ... Б. 92.

⁷ Stark S. Nomaden und Sesshafte in Mittelasiens- und Zentralasien // Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. Stuttgart, 2002. Б. 389.

⁸ Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // The Turks, 2. Ankara, 2002. 364-372 бетлар.

лик даражаси қандай, бу масалаларда қайси услубларга таянилган, билдирилган фикрлар бир-бирига мос келадими-йўқми каби масалаларни ёритиш орқали илк ўрта асрларда Чоч воҳасининг бошқаруви борасида муайян тўхтамга келиш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур тадқиқотчилардан баъзилари истисно тарикасида, Чоч тарихига тўхталган олимларнинг аксарияти бу даврда воҳани маҳаллий (асосан, суғдий) сулолалар бошқарганлиги, Турк хоконлигининг Чочдаги бошқаруви нисбий бўлганлиги ва бу жихатдан минтақадаги бошқа воҳа ҳукмдорликлари билан деярли бир хил бўлганлиги хақида ҳамфикрдирлар. Улар орасида муқимлашган фикрга кўра, Турк хоконлиги Амударё- Сирдарё оралиги ва унга туташ ҳудудлардаги маҳаллий ҳукмдорликларнинг бошқарув ишларига деярли аралашмаган, асосан ўлпон олиб туриш билан чекланган, воҳа бошқарувчиларининг этник таркибида ўзгариш унчалик даражада сезилмаган, умуман олганда, хоконликнинг вассаллар бошқарувида муайян бир тартиб йўлга қўйилмаган⁹.

Шу билан биргаликда, тадқиқотчилар орасида илк ўрта асрларда Чоч воҳасида мавжуд бўлган бошқарув шакли, унинг бошқа воҳа ҳукмдорликларига ўхшаш ва фарқли жихатлари, ўзига хос хусусиятлари, этник таркиби, унвонлар тизими ва ҳоказолар масаласида ҳам бир-бирига қарама-қарши фикр-мулоҳазалар билдирилганлиги кўзга ташланади. Тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларнинг ўша давр реал воқеликларига қанчалик мос келиши, келтирилган маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси борасида ҳам айрим муаммоларга дуч келамиз. Шу боис, кўпчиликка маъқул тушадиган, манбалар билан таъминланган ва ўша давр воқеликларини тўлақонли акс эттирадиган устувор фикрларни ажратиб олиш учун масалага комплекс ва чуқур ёндашиш талаб қилинади. Масалан, айрим тадқиқотчилар Чочни “подшолик” деб атасалар¹⁰, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар Чочдаги ҳар бир сиёсий-маъмурий бошқарувни, бошқача айтганда субъектни “ҳукмдорлик”, “мулк”¹¹, “удел”¹² ёки “воҳа ҳукмдорликлари” деб аташни маъқул кўрганлиги кўзга ташланади¹³.

⁹ Gibb H. *Orta Asya'da Arap fütuhati*. İstanbul, 1930. 4-9 бетлар; Ҳидояттов Г.А. Менинг жонажон тарихим. –Т., 1992. 76-78 бетлар.

¹⁰ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992, 60 б.

¹¹ Муҳаммаджонов А. Қанғ – қадимги Тошкент ва тошкентликлар ... Б. 11

¹² Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача ... 31-38 бетлар; Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана ... 242-256 бетлар.

¹³ Бабаяров Г., Кубагин А. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. 79-87 бетлар.

Хўш, Чоч бошқаруви ва маҳаллий сулолаларнинг этник таркиби масаласидаги фикрлар орасида бу тариха тафовутлар келиб чиқишининг замирида нима ётибди? Масалага куйидаги саҳифаларда кенгрок диққат қаратишимизни таъкидлаган ҳолда, аввало шуни айтиб ўтишимиз зарурки, Чоч тарихига бағишланган тадқиқотларнинг кўпчилиги асосан аниқ бир масалага эмас, аксинча воҳанинг умумий тарихини ёритишга бағишланганлиги, турли манба маълумотларининг ўзаро солиштирилмаганлиги, айнан бошқарув тизими ва сулолаларнинг келиб чиқишини аниқлашга қаратилган махсус тадқиқотларнинг камлиги бу масалаларда мунозарали фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Шунингдек, воҳа тарихини ёритишда айрим ҳиссий ва бирёклама ёндашувларнинг учраши масаланинг янада чигаллашига олиб келган.

Бошқарув шакли масаласи – Илк ўрта асрларда Чоч воҳасининг бошқарув шаклини кўпчилик тадқиқотчилар асосан куйидагича тушунтирадилар:

Муайян бир тарихий-географик воҳа сифатида бўлган Чоч бир қатор бир-биридан мустақил кичик мулклардан, яъни майда ҳукмдорликлардан иборат бўлиб, улар орасида Илок, Тарбанд, Тункат, Кабарна каби уделлар нисбатан йирикроклари бўлган. Шу билан бирга, Чоч воҳаси дастлаб Эфталитлар, сўнгра Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк ябғу хоқонлиги қарамоғида ярим мустақил, ўз ички бошқарувида бўлса, нисбатан мустақил иш юритган. 629 йилда Чоч воҳаси орқали Ҳиндистонга йўл олган хитой роҳиби Сюан Цзан бу ерда бир неча кичик ҳукмдорлик мавжудлигини, уларнинг барчаси Тукюэ (Турк хоқонлиги)га бўйсунганини таъкидлаб, шундай ёзди: “*Чўгеши мамлакатининг айланаси 1000 ли атрофида бўлиб, зарби Йе дарёси (Сирдарё)га туташган. Ўнга яқин шаҳарлар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг алоҳида бошқарувчиси бор. Умумий бир ҳукмдори мавжуд эмас. Вассал сифатида Тукюелар (Турк хоқонлиги)га тобедирлар*”¹⁴. Шу каби маълумотларга суянган тадқиқотчилар илк ўрта асрларда воҳада бир-биридан алоҳида бир неча мулк (аслида ҳукмдорлик)лар мавжуд бўлганлигини илгари суриб, улар орасида Чоч ва Илок бошқаларига нисбатан йирикрок бўлганига урғу беришган. Жумладан, Э.В. Ртвеладзе нумизматик материаллар асосида илк ўрта асрларда Чоч, Кабарна, Тункат, Фарнкат, Банокат, Чанак каби 6 та алоҳида мулк бўлганлигини ёзиб, бу номлар тангаларда акс этганлигини илгари сурган. Унинг фикрича, Тошкент воҳасининг қадимий шаҳар харобаларидан топилаётган бу даврга тегишли тангалардан ўрин ол-

¹⁴ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Ankara, 2003. 121-122 бетлар.

ган тамгаларнинг турличалиги ҳам бундан гувоҳ беради¹⁵. Бирок Ғ. Бобоёров Э.В. Ртвеладзенинг ушбу фикри янглиш эканлигини, суғдий ёзуви воҳа тангаларида “Чоч” сўзидан бошқа бирорта топоним учрамастлигини, тангаларда гўёки бордек кўрсатилган Кабарна, Фарнкат, Тункат, Банокат, Чанак сингари жой номлари аслида суғдий жумлаларнинг ногўгри ўқилишидан келиб чиққанини кўплаб мисоллар асосида исботлаб берган¹⁶. Шу билан биргаликда, мазкур тадқиқотчи VII–VIII асрларда Чочда учта сулола ҳукм сурганлиги, улардан биттаси Турк хоқонлигигача воҳада мавжуд бўлган сулола, қолган иккитаси – Чоч Тегинлари (605–750) ва Чоч Тудунлари (640–750) эса хоқонлик билан бевосита ва билвосита алоқадор сулола бўлиб, улар орасида Тегинлар бош сулола, қолганлари ундан қуйи даражадаги сулолалар бўлганини олға суради¹⁷. Тадқиқотчи ўз фикрининг тасдиғи сифатида хитой йилномаларида “тегин” унволи Чоч ҳукмдорлари Хитойга бош ҳукмдор сифатида элчи юборганини, “тудун” унволи ҳукмдор эса йилномаларда “Чоч ҳукмдорининг муовини” сифатида қайд этилганини, шунингдек, воҳанинг “Чоч” сўзи билан зарб қилинган тангаларида мазкур унвоилар ўрин олиб, улар тамға шакли ва иконографиясига кўра ўзаро фарқланганини мисол сифатида келтириб ўтади.

Шу ўринда хитой йилномаларида 605 йилда Ғарбий Турк ҳукмдори *“Шегуй хоқон ўз қўшини билан отланиб, ушбу ҳукмдорликни тор-мор қилди (ҳукмдор Ние ўлдирилди) ва у Дэлэ (Тегин) Тяньчжсини ноиб сифатида бу ҳукмдорликни бошқаришга буйруқ берди... Бешинчи Да-йе йили (609 й.)да Тяньчжси Хитой саройига ўз ҳурмат-эҳтиромини билдириши мақсадида ҳадялар билан биргаликда элчи юборди”*¹⁸ шаклида маълумот қайд этилганлиги, хитой роҳиби Сюан Цзян қайдларида *“Ўнга яқин шаҳарлар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг алоҳида бошқарувчиси бор. Умумий бир ҳукмдори мавжуд эмас. Вассал сифатида Тукюелар (Турк хоқонлиги)га тобедирлар”* шаклида маълумот учраши, “Син Тан шу” йилномасида эса *“Ҳукмдорининг хонадон исми Ши (луг. “тош”), бошқарув маркази Чже-чже (Чоч) шаҳридир”* мазмунидаги маълумот¹⁹

¹⁵ Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача ... 31–38 бетлар.

¹⁶ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар) ... 58–60 бетлар.

¹⁷ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). 25–64 бетлар.

¹⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Т. II. М. Л., 1950. 273, 282, 313 бетлар.; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). Б. 33.

¹⁹ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003. S. 120; Ходжаев, 2005: 11; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). Б. 31.

берилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Биринчи маълумотдан воҳада “тегин” унвонли хоқонлик вакили ўз сулоласига асос солганлиги аён бўлса, иккинчи маълумотда аксинча VII асрнинг 30- йиллари атрофида Чочда бир-биридан фарқли кичик ҳукмдорликлар мавжуд бўлиб, улар орасида Чочда етакчилик қиладиган муайян сулола бўлмаганлиги англашилади. Учинчи маълумотдан эса нисбатан бошқача маъно чиқади. Ҳар ҳолда хитой роҳиби ташриф буюрган чоғларда воҳада айнан шундай сиёсий вазият ҳукмрон бўлиб, роҳиб “Тукюе (Турк хоқонлиги)” ибораси остида Тегинларни назарда тутган бўлиб чиқади. Демак, йиллар ўтиши билан воҳада янги-янги сулолалар пайдо бўла борган. Дарҳақиқат, йилномаларда *“(хитойликлар) Хянь-кин бошқарувининг учинчи йилида (658 й.) Ганьгэ шаҳрида Даван губернияси ташкил этди ва ҳукмдор Ган/Тун тудун унинг бошқарувчиси қилиб тайинланди”*²⁰ шаклида қайдлар учраши бу фикрни тасдиқлайди.

Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ёзма манбаларда ва нумизматик материалларда “Чоч ҳукмдори”, “Чоч ҳукмдори Тегин”, “Чоч ҳукмдори Тудун” унвонларининг учраши бу даврда воҳада бир неча сулола мавжуд бўлган. Фақат айнан қайси шаҳарлар мазкур сулолалардан қай бирининг бошқарув маркази бўлганини аниқлаш қийин. Улар орасида фақатгина Чоч Тудунлари сулоласининг бошқарув маркази Чоч воҳасининг шарқий қисмида, тоғ этакларига яқин ерда жойлашган Тункат шаҳрини тахмин қилиш мумкин. Дарҳақиқат, Ғ. Бобоёров хитойшунос А.Г. Малявкин келтирган далилларга таяниб, Ганьгэ шаҳрининг маҳаллий номи аслида Тункат бўлганини, хитойликлар бу шаҳар номини ўз тил ва ёзув (иероглиф) ларига мослаштириб ёзганликлари туфайли шундай шакл юзага чиққанини таъкидлайдики, бизнингча бу гапда жон бор. Чунончи, мазкур хитойча маълумотда *“Ганьгэ шаҳрида Даван губернияси ташкил этди”* жумласи бу шаҳарнинг Даван, яъни Фарғонага нисбатан яқин ҳудудда жойлашганлиги, шу туфайли ҳам янги ташкил этилган маъмурий бирликка “Даван губернияси” деб ном берганлигидан дарак беради. Маълумки, Тункат шаҳри Чоч воҳасидаги Фарғона водийсига энг яқин сиёсий марказ эди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Чоч шаҳри Тегинлар сулоласининг, Тункат ва Тарбанд (Ўтрор) шаҳарлари эса Чоч Тудунлари сулоласининг марказлари бўлган²¹. Хусусан, бу фикрни олға сураётган тадқиқотчилардан бири М. Ҳотамова фикрича, Турк хоқонлиги даврида

²⁰ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Т. I. М. Л., 1950. Б. 287; Т. II. 313-314 бетлар.

²¹ Хатамова М. Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI – VIII асрлар). Тарих фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: ЎЗР ФА ШИ, 2018. Б. 22

воҳанинг бош маркази “Чоч” шаҳри бўлиб, Чоч Тегинлари сулоласи бу ердан марказ сифатида фойдаланишган. Улар Чоч воҳасида энг юқори мавқели сулола бўлганлиги учун ҳам воҳанинг бош шаҳрини танлашган. “Чоч” шаҳрини бугунги кунда Қанқа тепалиги деб юритиладиган қадимий шаҳар харобаси билан тенглаштириш мумкин. Чунончи, ушбу қадимий ёдгорлик эгаллаган худудининг катталиги ва бир вақтлар сиёсий марказ вазифасини бажарганлигини кўрсатадиган кўплаб археологик топилмаларга эгаллиги (хусусан, нумизматик материалларга бойлиги, хукмдор саройи (кароргоҳ) ўрни аниқланганлиги ва ҳ.к.) билан Тошкент воҳасининг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Шу боис тадқиқотчи-га кўра, Чоч (Қанқа) шаҳрини Тегинлар сулоласи билан, ёзма манбаларда Чоч Тудунлари билан боғлиқ воқеалар баёнида тилга олинган Тункат ва Тарбандни эса Тудунлар сулоласи билан боғлаш тўғрироқдир²². Бу фикрда қанчалик жон борлигига аниқлик киритиш учун янада чуқурроқ изланишлар олиб борилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Фақат ҳозирча шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳақиқатан ҳам археологик топилмаларнинг, айниқса, бошқарувчи сулолаларга хос ҳокимиятга алоқадор ашёларнинг катта қисми Қанқа ёдгорлигидан топилмоқда.

Турк хоконлиги даврида, яъни қарийб 150 йил даврида Чоч воҳасида фаолият юритган бошқарувчи тоифа вакилларининг исм ва унвонлари билан ёзма манбалар, хусусан, хитой йилномалари ва қисман бошқа тиллардаги манбалар асосида танишиб чиқсак, 10 нафар хукмдор ҳақида маълумотлар сақланганига гувоҳ бўламиз. Тадқиқотчилар уларни қуйидагича келтиришган²³:

Нйе (*Инал) – 605 йил;

Тегин Тяньчжи – 605-609 йиллар;

Тудун - 640-йиллар;

Шужу шад – 657 йил;

Тўн тудун – 658 йил;

*Қабар элтабар – 710-йиллар;

Баходур тудун – 713-740 йиллар;

Инай тудун Кулуг – 740-750 йиллар

Тегин – 750-йиллар;

Кул Чабиш – 750-йиллар.

Бундан ташқари, Чоч шаҳарларидан бири Суду (Уштуркат)нинг бошқарувчиси сифатида хитой йилномаларида *Инье даган* (*Инал тар-

²² Хатамова М.М. Ўзбекистон шаҳарлари VI – VIII асрларда (Чоч воҳаси мисолида). Т., 2017. 132-178 бетлар.

²³ Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... 144-146 бетлар.

хон) исмли амалдор ҳақида маълумот учрайди²⁴. Ушбу амалдор исми иккита туркий унвон – “инал” ва “тархон” унвонлардан иборатлиги унинг келиб чиқиши туркий бўлган деб ҳисоблашга имкон беради. Бинобарин, Инал тархоннинг Чоч ҳукмдори эмас, воҳадаги шаҳарлардан бирининг бошқарувчиси сифатида қайд этилиши унинг нисбатан қуйи даражали амалдор бўлганлиги ва Чоч ҳукмдорларига бўйсунганлигидан дарак беради. Маълумки, Турк хоқонлиги бошқарувида “тархон” унвонли амалдорлар “тегин”, “тудун” унвонли амалдорлардан анчагина қуйи мақомда бўлишган.

Юқорида келтирилган ҳукмдорларнинг исм ва унвонларидан уларнинг бир неча туркий сулолага мансуб бўлганлиги англашилади. Ғ. Бобоёровнинг фикрича, “шад”, “тегин”, “элтабар”, “чабиш” унвонли Чоч ҳукмдорлари Тегинлар сулоласига, “тудун” унвонлилари эса Чоч Тудунлари сулоласига мансуб бўлишган²⁵. Тадқиқотчига кўра, бу давр Чоч тангаларида бир неча унвонлар учраса-да, тангаларнинг бирортасида ҳукмдор исми ўрин олмаган. Мазкур тадқиқотчидан фарқли ҳолда Э.В. Ртвеладзе илк ўрта асрда зарб қилинган Чоч тангаларида Нирт, Каничурт, Йазатпир, Пирак, Ширдак, Баҳодур каби исмларнинг учрашини ёзиб, уларнинг бир қисми туркий эканлигини таъкидлайди²⁶. Бироқ нумизматик материалларни синчиклаб ўрганган Ғ. Бобоёров Чоч тангаларида бундай исмлар ўрин олмаганлигини таъкидлаб, нуқсонли сакланган тангалардаги суғдий ёзувларнинг янглиш ўқилиши туфайли бу каби фикрлар келиб чиққанлигига эътибор қаратади²⁷.

Агар нумизматик материаллардан келиб чиқилса, илк ўрта асрларнинг дастлабки паллаларида, яъни V – VI асрларда Чоч воҳасида битта сулола вакиллари томонидан тангалар зарб қилинган, VI асрнинг охирлари ва VIII асрлар оралиғида эса қарийб 7 турдаги тангалар бостирилган бўлиб чиқади. V – VI асрларга оид Чоч тангаларида деярли бир хил иконография, унвон ва тамға учраса, кейинги асрларда эса бир-биридан фарқли 5-6 турдаги тамға ва фарқли унвонлар билан тангалар зарб қилинганлиги кўзга ташланади²⁸. Демак, бу даврга келиб Чоч воҳасининг

²⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Т. I. Б. 292.

²⁵ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар ... 38–46 бетлар.

²⁶ Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача ... 72, 78, 83-84 бетлар.

²⁷ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар ... 53–56 бетлар.

²⁸ Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача ... 31–38 бетлар.; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). Т., 2017. 924, 40-44, 52-55, 64-70, 73-80 бетлар.

сиёсий-маъмурий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берган, бир вақтнинг ўзида воҳада бир неча фаркли сулолалар ҳукм юрита бошлаган бир вазият юзага келган эди. Аслида бу бошбошдоқлик ёки тартибсизлик ҳолати билан боғлиқ бўлмай, қадимги туркий давлатчилик анъаналарининг Чоч ва унга қўшни ҳудудларда кенг ёйилиши билан алоқадор эди. Дарҳақиқат, VI асрнинг охирлари ва VIII асрлар оралиғида воҳада зарб қилинган Чоч тангаларининг катта бир қисми Ғарбий Турк ябгу хоқонлигига оид тангалар бўлиб, олий ҳукмдорларнинг исм ва унвонлари ўрин олган тангалар бир-бирига ўхшаш тамгалар, ўхшаш иконография (ҳукмдор тасвири, қўшалок портрет, ҳокимият рамзи бўлмиш ҳайвон суратлари ва х.к.) билан зарб қилинган бўлса, қолган 3 типдагиси эса бир-биридан бутунлай фаркли тамға ва иконографияга эга. Кейинги уч тип танганинг ҳар бирида “Чоч ҳукмдори”, “Чоч ҳукмдори Тегин” (баъзи типларида “Чоч ҳукмдори Тегин-Элтабар”), “Чоч ҳукмдори Тудун” каби унвонлар акс этган бўлса, Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида эса “Чоч ҳукмдори” ибораси умуман учрамаслиги анча-мунча изоҳ талаб қилади. Тангаларнинг бундай ўзига хосликларидан келиб чиқиб, бу пайтда воҳада 3 та маҳаллий сулола ҳукм сурганлиги, уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳокимият рамзларига, яъни муайян унвон, тамға (герб)га эга бўлганлиги, хоқонлар эса бу ерга бевосита ўзининг меросий мулки эмас, билвосита мулки – вассали сифатида қараган, деб изоҳлаш мумкин. Шунингдек, мазкур ҳар уч маҳаллий сулоланинг воҳанинг муайян бир қисмида ўз ҳудуди, бошқарув маркази бўлганлигини, шу билан биргаликда улардан бири нисбатан юқори мавқеда, қолганлари эса қуйироқ мақомда, аниқроғи, иккинчи даражали сулола бўлганидан дарак беради.

Бинобарин, юқорида ҳам тўхталиб ўтганимиздек, Ғ. Бобоёров хитой йилномаларида “тегин” унвонли Чоч ҳукмдорларига нисбатан *Ши-го ван Теле* “Тош давлати ҳукмдори Тегин”, тудунларга нисбатан *Ши-го фу ван Тутун* “Тош давлати ҳукмдор муовини” иборасининг қўлланилганининг ўзиёқ бундай изоҳлашга имкон беради²⁹. Шунингдек, А-14 рақамли Муғтоғи суғдий ҳужжатида 720-йилларнинг бошида Чочда бўлган Суғд элчиси Фатуфарнинг воҳадаги вазият тўғрисида ўз ҳукмдори Деваштичга баёнот бераркан, “Чоч ҳукмдори” ҳақида бироз маълумот бергач, қолган воқеаларни Чоч тудуни билан боғлаб тушунтириши воҳада тудунларнинг мавқен қай даражада бўлганини тасаввур қилишга имкон яратади³⁰.

²⁹ Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар ... Б. 36.

³⁰ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. Москва.: Издво восточной литры, 1962. 8084 бетлар.; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of

Чоч бошқаруви билан боғлиқ яна бир масала – Турк хоқонлигининг Чоч воҳаси нафақат хоқонликнинг танга зарб қилдирган жойи бўлиб қолмай, балки хоқонлик бу ерда ўз қароргоҳларига эга бўлганлигидир. Хусусан, бир қатор тадқиқотчилар, хусусан, Ю.Ф. Буряков, Ғ. Бобоёров, М. Ҳотамовалар араб манбаларидаги Жабғукат ва Хотункат (хитой манбаларида *Кохотун-чен* “Хотун-шаҳар”) каби Чоч шаҳарларини Ғарбий турк хоқонлари билан боғлаб, ҳар иккала шаҳарнинг махсус қароргоҳлар бўлганлиги тўғрисидаги фикрини олға сурадилар³¹. Демак, хоқонлик Чоч воҳасига анча жиддий эътибор берган ва бу ерга ўз вакиллари – тегинлар ва тудунларни юбориб, улар орқали воҳада бошқарувни амалга оширган бўлишлари билан бирга вақти-вақти билан хоқонларнинг бу ерга бевосита ташриф буюрганликлари уларнинг ўз номидан танга зарб қилдирганликлари ва қароргоҳ барпо эттирганликлари миқсолида ўз тасдиғини топади. Дарвоқе, хоқонларнинг ўз вассаллари худудига, хусусан, Фарғона, Суғд ва Тўхористонга бир неча бор ташриф буюрганлиги маълум³², ҳатто бу ерларда улар номига “хоқон” унвонли тангалар бостирилгани ҳолати кўзга ташланади³³, бироқ Чочдан фарқли ҳолда хоқонларнинг ҳар учала ҳукмдорликда ўз қароргоҳини қурдиргани маълум эмас.

Шу ўринда хоқонларнинг ҳар хил мақсадларда Чоч воҳасига келиб бу ерда фаолият юритганлигига доир хитой манбаларида қайд этилган маълумотларни қисқача келтириб ўтсак. Шегу хоқон 605 йилда бу ерга ўз хонадонидан бир шахзодани юборган бўлса (Тегин Тянчжи), унинг иниси Тун ябғу-хоқон (618–630) эса юқорида ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини Чочга, унинг шимолидаги *Цянь-Цюань* (Мингбулоқ) мавзесига кўчиради. Яна бир Ғарбий турк хоқони Ашина Улуғ (Хэлу; 651–657) ўз қароргоҳини худди шу жойда барпо этади³⁴. Бундан ташқари, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларидан яна бир неча нафари ўзаро тахт талашувлар пайтида Чочга сиғингани қайд этилади. Хи-

Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kamakura 2002. 156–167 бетлар.; Исоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Т.: Фан, 2014. Б. 62.

³¹ Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Тошкент.: Фан, 1975. 73-75 бетлар; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар ... 101, 114-116 бетлар.; Ҳатамова М. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат ... 3-13 бетлар.

³² Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... I. М. Л., 1950. 284-285, 287 бетлар.

³³ Бобоёров Ғ. “Турон ҳукмдори хоқон” унвонли тангалар // O‘zbekiston tarixi, 2-son, 2018. 3-18 бетлар..

³⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. С. 289; Таşağıl А. Gök-Türkler. II. Ankara, 1999. Б. 71.

той йилномаларида Элби Тулу (Иби Дулу; 638–642) хоқон 640 йилларда Чочга кочиб, *Кохотун-чэн*³⁵ (Хотункат) шаҳрида паноҳ топгани тилга олинадиган³⁶. 657 йилда хитой лашкарбошиси Су Дин-фань Ғарбий турк ҳукмдори Ашина Хэлуни тор-мор қилиш учун сафарга чиқади. Унинг қароргоҳи бўлган *Цюан-цянь* (Мингбулок)қа етиб келган хитой қўшинлари бир қатор жанглардан сўнг хоконни Суяб дарёси бўйида мағлубиятга учратгач, хоқон ва унинг ўғли Шиюн *Ши* (Чоч) ҳукмдори Шуней Ше (шад)нинг ҳузурига кочиб, у ердаги Суду (Уштуркат?) шаҳрига бекинишади. Бу пайтда мазкур шаҳарни бошқараётган *Инье даган* (Инал тархон) уларни тутиб, хитой қўшинларига топширади³⁷.

Умуман, илк ўрта асрларга, хусусан, VI–VIII асрларга келиб Чоч воҳаси тигиз ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларга тортилган бўлиб, бу воҳада бир неча сулолаларнинг ташкил топиши (Тегинлар, Тудунлар), воҳада бир неча бошқарув марказларининг ўртага чиқиши (Чоч, Тункат), Ғарбий Турк хоқонлигининг бу ерни муҳим стратегик марказлардан бири сифатида танлаши (Жабғукат, Хотункат), бу ерга ўз вакилларини ноиб ўларок юбориши (Тегинлар – Ашина хонадони аъзолари, тудунлар – солиқ йиғишни ташкиллаштирувчи ва маҳаллий ҳукмдорни назоратда тутиб турувчи махсус вакил), воҳада турк-суғд симбиозининг кучайиши³⁸ ва хоказолар бундан далолат беради.

Хуллас, илк ўрта асрларда Чоч воҳасида Амударё–Сирдарё оралиғидаги бошқа тарихий географик вилоятлар (аслида воҳалар)да бўлганидек воҳа ҳукмдорликларига хос бошқарув шакли, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча кичик ҳукмдорликлар фаолият юритиши ва уларнинг барчаси муайян бир йирик салтанатга бўйсунуши ҳолати мавжуд бўлган. Бу даврнинг айрим паллаларида мавжуд кичик ҳукмдорликлардан бирортаси сиёсий жиҳатдан нисбатан кучайиб, бошқалари устидан устунлик қозонгани, “Чоч” номини акс эттирувчи танга-пул чиқаргани, хорижга (хусусан, Хитойга) элчи юборгани, шу билан биргаликда, Ғарбий Турк хоқонлигига вассал сифатида бўйсунганлиги аён бўлади. Бу каби масалалар тўлақонли ўз тасдиғини топиши учун янада теранроқ изланишлар

³⁵ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. Б. 288. Бичурин ушбу шаҳар номини асл ҳолатида келтирмай, ўгириб “город Ханьша” тарзида берган. О. И. Смирнова каби баъзи тадқиқотчиларни истисно қилганда, аксарият тадқиқотчиларни мазкур шаҳар номининг Хотункат билан алоқадорлиги ҳақида фикр юритишларидан чалғитган (*қар.* Смирнова О. И. Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. Вып. 14. М. -Л., 1961. Б. 65).

³⁶ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. Б. 288.

³⁷ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. Б. 292.

³⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // O'zbekiston tarixi. T., 2009. № 1. Б. 17.

олиб борилишини таъкидлаган ҳолда кейинги йилларда қўлга киритилаётган илмий ютуқлар ва янгиликларнинг янги нашрларда ўз ўрнини олиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Ё. МУҲАММЕДОВ

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЧОЧ: БОШҚАРУВ ШАКЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Мақола илк ўрта асрларда Чочнинг бошқарув шакли билан боғлиқ айрим масалаларни ўрганилиши тарихига бағишланган бўлиб, унда ёзма манбалар ва археологик (асосан, нумизматик) материаллар, шунингдек, кейинги йилларда воҳа тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида муайян фикрлар берилган. Хусусан, бу даврда Чоч воҳасини бошқарган сулолалар ва уларнинг келиб чиқиши бўйича тадқиқотчилар орасидаги мунозарали фикр-мулоҳазалар кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чоч бошқарувида қўлланилган усул ва воситалар атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Чоч, вассал, Ғарбий Турк хоқонлиги, бошқарувчи сулолалар, хоқон, тегин, тудун, тутун, шад, элтабар, чабиш, инал, тархон, удел, мулк, Хотункат, Жабғукат, Қанғ, Ашина.

Ё. МУҲАММЕДОВ

ЧАЧ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ: НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ, СВЯЗАННЫЕ С ЕГО ФОРМАМИ ПРАВЛЕНИЯ

Статья посвящена истории некоторых аспектов форм правления Чача в раннем средневековье, где анализируются материалы на основе письменных и археологических источников (в основном нумизматических). В частности, в этой статье были изучены и изложены противоречивые мнения авторов по династиям, которые правили в Чачском оазисе. Кроме того, в данной статье проанализированы методы и приемы правления, использованные Западно-Тюркским каганатом, входивший в свое время в Чачский оазис.

Y. MUHAMMEDOV

**CHACH IN EARLY MIDDLE AGES: SOME QUESTIONS
OF ITS MANAGEMENT FORMS**

The article is devoted to the history of some aspects of the forms of government of Chach in the early Middle Ages, where are analyzed materials on the basis of written and archaeological sources (mainly numismatic). In particular, this article examined and presented the controversial opinions of the authors on the dynasties that has ruled in the Chach oasis. In addition, this article analyzes the methods and techniques of government used by the Western Turkic kaganat, which was included to the Chach oasis.

Т. ГЮЛЬ

**К ВОПРОСУ О ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЕ ДОИСЛАМСКОГО
ЧАЧА (ТАШКЕНТСКИЙ ОАЗИС)**

Одним из актуальных направлений в отечественной истории является изучение культурного наследия древних государств на территории Узбекистана и всей Средней Азии. Особенно разнообразен в этом плане доисламский период. На протяжении античности и раннего средневековья здесь мирно сосуществовали различные религии и культы; памятники изобразительного искусства Бактрии, Согда, Хорезма и др. отображают развитие синкретических традиций, обогащенных заимствованием инородных элементов, но не потерявших при этом местную основу. Хотя государства Трансоксианы издревле были объединены этнокультурными и экономическими связями, каждое из владений в культурном плане обладало своими характерными особенностями.

Государство Чач играло заметную роль в исторических процессах доисламской Средней Азии. В древности, из-за своего удаленного географического положения, Ташкентский оазис не вошел в ареал ближневосточных и персидских влияний. Также слабы здесь были и влияния эллинистической культуры. Исключением являются остатки древней крепости на территории городища Канка. Её появление связывают с походом селевкидского полководца Демодама (IV – III вв. до н.э.) против саков, за Яксарт (Сырдарью). Согласно источникам, на границе с саками он воздвиг алтарь солнечному божееству Аполлону. Здесь же он основал город Антиохию Заяксартскую, с которой некоторые исследователи ассоциируют Канку¹. С III в. до н.э. происходят миграции кочевых племен с севера – северо-востока в Среднюю Азию, вызванные арридизацией Великой степи и этнополитическими процессами. Как следствие, линия ранней урбанизации Чача обрывается. Но при этом жизнь на городище Канка в этот период не затихает, а наоборот, городище интенсивно развивается². Пришлые номады основали в бассейне Сырдарьи конфедера-

¹ Буряков Ю.Ф. Канка и Шахрухия. Древние города Чача на Великом шелковом пути. Ташкент, «Yangi nashr» 2011. С. 15 – 20; Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – VI в. н.э.). Ташкент, 1940. С. 23.

² Буряков Ю.Ф. Канка и Шахрухия. Древние города Чача на Великом шелковом пути. Ташкент, «Yangi nashr» 2011. С. 30; Филанович М.И. К вопросу о раннем урбанизме и особенностях духовной культуры в зоне контактов древних земледельцев и скотоводов (на примере присырдарьинских регионов) // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Самарканд – Ташкент, 2010. С. 217.

тивное государство Кангюй, в состав которого вошли Чач (Юни, Юени в китайских источниках), Согд и Хорезм. В Чаче предположительно находилась зимняя резиденция кангюйского владетеля³. Со II – III вв. н.э. здесь появляется монетный чекан с портретом местного правителя, тамгой и согдийской надписью. Надпись содержала имя и титул царя, а также название владения – Чачанап, Чач. Оно же фиксируется в надписях на глиняных табличках, открытых в крепости Культобе (Юж. Казахстан), сообщающих о военачальнике чачского народа, который построил крепость на границе с номадами, для чего ему выделили сокровища его сородичи, происходящие из «дома юечжей Чжаову-ябгу» – государи Самарканда, Кеша, Насафа (Ксениппы) и Навакметана (предположительно Бухара). Надписи датируются I – II вв., либо II – III вв.⁴

В V в. Чач вошел в состав государства эфталитов, а со второй половины VI в. среднеазиатские владения были завоеваны тюрками. Накануне арабского завоевания Чачем управляли представители тюркских династий⁵.

Характерной чертой доисламской Средней Азии было отсутствие единой государственной религии. В I тыс. до н.э. на территории Восточного Ирана и юго-западных областей Средней Азии складывается зороастрийская религия (маздеизм). В Иране она длительное время развивалась как государственная идеология. В Средней Азии развитие зороастризма происходило в иных этно политических условиях; здесь развивается среднеазиатский вариант зороастризма, имевший локальные особенности. Кроме того, в Средней Азии получили распространение инородные религии (буддизм, христианство и др.), создавая почву для религиозного синкретизма.

Одной из проблем изучения духовной культуры среднеазиатских владений является отсутствие письменных памятников, непосредствен-

³ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент «ФАН» 1982. С. 103 – 108; Он же: Канка и Шахрухия. Древние города Чача на Великом шелковом пути. Ташкент, «Yangi nashr» 2011. С. 15 – 20.

⁴ Буряков Ю.Ф. Канка и Шахрухия. Древние города Чача и Илака на Великом шелковом пути... С. 22, 24; Алимбай Н. Таблички из Культобе / Материалы интернета: <http://www.litgazeta-kz.com/index.php?option=view&id=164>; Байпаков К.М. Древняя и средневековая урбанизация Казахстана (по материалам исследований Южно-Казахстанской комплексной археологической экспедиции). Книга I. Урбанизация Казахстана в эпоху бронзы – раннем средневековье. Алматы, 2012. С. 197 – 199.

⁵ Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н.э.). Ташкент, «Media Land» 2006. С. 121; Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian Inscription of Kultobe // «Shygys», № 1, Алматы, 2006. С. 95 – 111; Исхаков М., Камолитдин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. Ташкент: ТашГИВ, 2009. С. 41 – 46.

но связанных с местной религией, хотя в источниках имеется много косвенных свидетельств о преобладании здесь зороастризма. Эти свидетельства подтверждаются памятниками материальной культуры⁶.

О характере верований и культах Чача в первую очередь говорят археологические источники. Со II в. до н.э. до VIII в. н.э. на территории Ташкентского оазиса бытовала каунчинская археологическая культура. К ее культовым артефактам относятся зооморфные очажные подставки, со спаренными протомами голов баранов и в виде головы быка, бытовавшие с I в. н.э. Они получили широкое распространение среди родственных культур бассейна Сырдарьи (каунчинской, джетыассарской и оттаро-каратауской). Подставки с протомами баранов, а также разнотипные быкоголовые подставки были обнаружены на ряде городищ Ташкентского оазиса (Каунчитепе, Шаштепе, Кугаиттепе, Кендыктепе, Мингурике и др.). На городище Эгартепе была открыта мастерская по изготовлению быкоголовых подставок (IV – VI вв.)⁷. Подставки с установленными на них жаровнями имели как практическое, так и ритуальное применение на них сжигались жертвенные зерна и жир. У многих народов баран и бык символизировали плодородие, силу и богатство. Изображения этих животных вблизи очага – сакрального центра жилища, трактуется как проявление симпатической магии, направленной на привлечение изобилия в дом⁸. В зороастрийской мифологии в образе барана выступает божество Хварно (Фарн) – божественная благодать, присущая праведным людям и некоторым объектам. Эти животные также семантически связаны с Вретрагной и Митрой. Вретрагна – бог победы, имеет десять обличей: дикий баран, золоторогий бык, отрок и муж, верблюд, буйный ветер и др. В ипостаси кабана он сопровождает Митру во время битвы. С его культом связывают фигурку дикого, свирепого кабана, найденную на Канке. Культ солнечного Митры, хранителя миропорядка и судьбы в загробном мире, был очень популярен в Средней Азии, Иране, а также в Римской империи. С античного времени его изображали в виде человека

⁶ Шкода В. Г. Согдийские храмы огня // Журнал «Митра» № 8 (12) 2006 г. Материалы интернета: <http://zoroastrian.ru/node/1262>; Шкода В.Г. Пенджикентские храмы и проблемы религии Согда (V – VIII века). С-Пб.; Изд-во Государственного Эрмитажа, 2009. 22 – 23.

⁷ Богомолов Г.И., Алимов К.А. Очажные подставки с Эгар и Куруктепе (к вопросу о зооморфных подставках Чача) // ИМКУ № 27. Самарканд, «Регистан», 1996. С. 162 – 163; Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н.э. ТХАЭЭ VII. М., «Наука», 1971. С. 73, 110; Литвинский Б.А. Кангюско-сарматский фарн. Душанбе, «Дониш», 1968. С. 49 – 50, 75 – 95.

⁸ Богомолов Г.И., Алимов К.А. Очажные подставки с Эгар и Куруктепе... С. 163.

с солнечным нимбом вокруг головы. В Ташкентском оазисе этот образ известен на одной печати⁹.

Со II – I вв. до н.э. в Ташкентском оазисе появляются терракотовые фигурки бычков. Особенно интересны два керамических изображения существа с туловищем быка и головой человека: на небольшой халцедоновой печати и одной очажной подставке с Канки (VI – VIII вв.). Этот образ имеет древние корни на Ближнем Востоке, откуда он проник в Иран и Среднюю Азию. Ряд находок аналогичных изображений связан с территорией Хорезма, Бактрии, Согда (от VIII в. до н.э. – VII в. н.э.). В зороастрийской мифологии этот персонаж известен как Гопатшах; его культовый образ связан с водой, плодородием, а также царской властью¹⁰.

Для каунчинской культуры характерны зооморфные налестки на ручках сосудов (кувшины и кружки), исполнявшие роль оберега. Преобладают изображения баранов, реже других животных (петух, собака и др.)¹¹. С первых веков нашей эры в Чаче появляются зооморфные сосуды, предназначенные для ритуальных возлияний, со сливом в виде головы быка (реже барана)¹². Орнамент на сосудах (хумах, горшках, флягах-мустахра) также имел культово-магическое значение. В большинстве это стереотипные символы плодородия (воды, флоры), космогонические и солярные символы: круг, крест, свастика и др. Последние присутствуют на многих печатях из Ташкентского оазиса¹³.

С античного периода в Согде, Бактрии, Хорезме и Маргиане широко распространены разнотипные статуэтки богинь плодородия. Наиболее популярным женским божеством, судя по всему, была богиня Нана (Нанайя), имевшая ближневосточное происхождение. В Чаче статуэток женского божества до сих пор не обнаружено; более того, здесь практически отсутствуют антропоморфные статуэтки в сравнении с другими владениями. Пока известны только три изображения женского персонажа. Один из них – фрагмент керамического фриза VII в. с Канки, с изоб-

⁹ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса... С. 120 – 121; Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн... С. 85 – 86.

¹⁰ Богомолов Г.И. Образ Гопатшаха в Чаче // ИМКУ № 36. Т., Фан, 2008. С. 133 – 141.

¹¹ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса... С. 119; Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н.э. М., «Наука», 1971. С. 70, 106 – 109, 165; Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн... С. 3 – 6, 46 – 58.

¹² Филанович М.И. О назначении зооморфных сосудов из Ташкента // ОНУ, 1995. №5 – 6 – 7 – 8. Ташкент, «ФАН», 1995. С. 78 – 81.

¹³ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса... С. 121.

ражением девушки-лютнистки. Ее головной убор украшает культовый символ, характерный для богини Наны – «солнце в полумесяце». На подоле платья изображен круг, а в нем горный козел, изображение которого можно трактовать как символ божества Луны либо символ Наны. Фигурка лютнистки рассматривается как часть композиции религиозно-мифологического содержания. Женские персонажи, вероятно культового значения, были изображены на оссуарии, найденном близ г. Паркента, и на бронзовой пластинке (пряжке) из Тойтубе (Ахангаран)¹⁴. Ю.Ф. Буряков считал, что в топонимии раннесредневековых городов Чача (Бенакет, Банокет) прослеживаются следы почитания богини¹⁵. Ко всему прочему, в раннесредневековых китайских источниках упоминается особый танец Чача, исполняемый девушками. Исследователи видят в описании танца его ритуальное назначение в честь богини плодородия¹⁶.

**“ҚУЁШДАН ТОЛИҚҚАНЛАР”: БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ
ЙИЛЛАРИДА АВСТРО-ВЕНГР ВА НЕМИС ҲАРБИЙ
АСИРЛАРИНИНГ ТУРКИСТОНДА САҚЛАНИШИ (давоми)**

Мақола Биринчи жаҳон уруши йилларида немис ва австро-венгр армиялари ҳарбий асирларининг Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида сақланиши тарихига бағишланган. Ушбу ҳудудда асирларнинг пайдо бўлиши бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмага доир муаммоларни келтириб чиқарди. Мақолада Бош штабнинг Осиё қисми

архив хужжатлари ва Халқаро Қизил хоч қўмитаси ҳисоботлари асосида ҳарбий асирларнинг Туркистонда сақланиши ҳамда яшаш шароитлари ёритилган.

T. KOTYUKOVA

**“WEARY BY THE SUN ...”: FEATURES OF THE STAY
AND CONTENT OF THE AUSTRIAN-HUNGARY AND GERMAN
MILITARY PERSONS IN TURKESTAN DURING
THE FIRST WORLD WAR (*continuance*)**

The article is devoted to the stay of prisoners of war of the German and Austro-Hungarian armies on the territory of the Turkestan general-governorship during the First World War. The appearance of prisoners caused many economic, infrastructural and social problems in the region. On the basis of the remaining archival documents, reports of the Asian part of the General Staff and humanitarian missions by the International Committee of the Red Cross article described and analyzed the living and prison conditions of prisoners of war in Turkestan.

Ж. ПЕРЕМКУЛОВ

ТОШКЕНТ ОБСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

Россия империяси Туркистон ўлкасини ҳар тарафлама ўрганиш мақсадида, 1868 йилдаёқ Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий топографик бўлими таркибида метеорологик тадқиқотлар маркази ташкил этишга рухсат берди¹. 1869 йилда эса, мазкур бўлим ўлкада хариташунослик, астрономия-геодезия тадқиқотлари учун физика обсерваторияси куриш заруриятини империя ҳукуматига асослаб берди².

Обсерватория лойиҳаси О. Струве раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Унинг маслаҳатига кўра, Пулководаги обсерваториядан Тошкентга маҳсус ускуналар олиб келинди³. 1877 йилга келиб кутубхона ва ҳисоб-китоб хонаси қурилди. Обсерватория расман 1878 йилдан иш бошлади⁴. 1885 йилда Тошкент обсерваториясига 5 дюймлик комета изловчи қурилма келтирилди. Мазкур қурилма учун Тошкент обсерваторияси худудида алоҳида бино қад ростлади⁵.

Обсерватория фаолияти давомида бир неча бор таркибий ўзгаришларга учради. Аввалига, 1869 йилда ўлка иқлимни ўрганиш мақсадида Туркистон генерал губернаторлиги таркибидаги худудларда бир неча метеорологик станциялар барпо этиш ва уларни Тошкентда ягона обсерватория таркибида бошқариш кўзда тутилган эди⁶. 1873 йилга келиб Тошкент обсерваториясининг моддий техникавий базаси Пулководаги обсерваториядан келтирилган астрономик асбоб-ускуналар ҳисобига бойиб қолгани эътиборга олиниб, Обсерваторияни физика-астрономия йўналишида шакллантириш мақсадга мувофиқ деб топилди⁷. Натижада, Тошкент обсерваторияси, бир томондан, ўлкада метеорологик тадқиқотлар олиб бориш, иккинчи тарафдан, ўлка хариташунослари учун янги географик манзилларнинг астрономик координатларини аниқлаш вазифасини ўз зиммасига олди.

¹ Федчина В.Н. Как создавалось карта Средней Азии. М., 1967. 109-бет.

² ЎЗР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 287-йиғма жилд, 1орқа-варақ.

³ Воронцов-Веляминов В.А. Очерки истории астрономии в России. М.: Государственное издательство технико-теоретической литературы, 1956. 195-бет.

⁴ ЎЗР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 287-йиғма жилд, 7-9^{орқа}-варақлар.

⁵ ЎЗР МДА. И-1 жамғарма, 24-рўйхат, 60-йиғма жилд, 93-95-варақлар.

⁶ ЎЗР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 287-йиғма жилд, 2-варақ.

⁷ Ўша манба 3-варақ.

Шу асосда 1878 йилда Тошкент обсерваториясининг вақтинчалик низоми ва штати тасдиқланди⁸. Унга кўра, Тошкент астрономия-физика обсерваторияси Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий топографик бўлими таркибидан ўрин олди. Уни молиялаштириш эса, Туркистон генерал губернаторлиги ер солиғидан (земский сбор) тушган маблағ ҳисобидан йилига 9500 рубль миқдорида таъминланиши белгилаб қўйилди. 1882 йилдан бу маблағ 1380 рублга оширилди.

1886 йилда тасдиқланган Туркистон ўлкаси бошқаруви ҳақидаги Низомда белгиланган тартибга кўра, Тошкент обсерваторияси ва метеорологик станцияларни молиялаштириш 1887 йилдан бошлаб ҳукумат газнасига ўтди. Эндиликда обсерваториянинг моддий таъминоти Халқ таълими вазирлиги маблағлари ҳисобидан амалга оширила бошланди.

1888 йилга келиб обсерватория фаолияти танкидий ўрганиб чиқилди. Комиссия хулосасида, гарчанд, Тошкент обсерваторияси ўлка географиясини ўрганиш учун ташкил этилган бўлса-да, унда астрономик билимларни ошириш учун моддий-техник база кучайиб бораётганлиги, метеорологик тадқиқотлар олиб боришда ишчи кучининг етишмаслиги ва шу каби муаммолар туфайли обсерваторияни иккига бўлиб юбориш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди⁹. Шу тариқа комиссия, бир тарафдан, 1888 йилда Тошкент физика обсерваториясини Санкт-Петербургдаги Бош физика обсерваторияси таркибига ўтказиб юбориш тўғрисида¹⁰, иккинчи тарафдан, 1890 йилда Тошкентда Халқ таълими вазирлиги томонидан молиялаштириш кўзда тутилган Магнит-метеорологик обсерватория ташкил этиш тўғрисида¹¹ қарор қабул қилди.

Обсерватория вақтни назоратга олишни ҳам мақсад қилган эди. Бироқ Туркистон ҳарбий округи қошида ҳарбий топография бўлими обсерваторияда фақатгина илмий астрономик тадқиқотларга эътиборни кучайтиргани боис, бу борада режага эга эмас эди. Ваҳоланки, штат бўйича обсерваторияда назоратчи ва метеорологдан ташқари, фақатгина директор билан бирга иккита астроном бириктирилган эди, холос. Иккала астроном тадқиқотчилар ҳам экспедиция ишларига жалб этилган эди. Шуниси диққатга сазоворки, астрономлар одатда ҳарбийлардан тайинланар, уларга астрометрия бўйича дала тадқиқотлари юклатилар эди. Шунингдек, уларнинг обсерваторияда стационар кузатувлар олиб боришлари учун имконият берилмас эди. Дала астрономияси 1915 йилга

⁸ Ўша манба 8-9 орқа-варақлар.

⁹ ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 287-йигма жилд, 5-варақ.

¹⁰ ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 5-рўйхат, 269-йигма жилд, 1-варақ.

¹¹ ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 287-йигма жилд, 7-варақ.

қадар обсерваториянинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолди. Ва бу йўналишда кўплаб амалий натижалар қўлга киритилди.

1879 йилда Тошкент обсерваториясига Петербургдан келган харбий топограф Пётр Карлович Залесский ишга кирди¹². Фаолиятининг дастлабки йилларида унга вақтни назорат қилиш вазифаси юклатилди. Тошкент шахрининг асосий соати у вақтларда обсерватория назоратида эди. Кейинги йилларда вақтни белгилашда телеграфдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Пайтдан фойдаланиб, П.К. Залесский товуш тезлигининг босим, ҳарорат ва намгарчиликка таъсирини ўрганди¹³. Бундан ташқари, П.К. Залесский куёш доғларини кузатиб, тасвирга олиш ишлари билан ҳам шуғулланди.

Бундан ташқари, П.К. Залесский Туркистон ва унга қўшни худудлардаги жуда кўплаб манзилларнинг географик координатларини аниқлашга муваффақ бўлди. П.К. Залесский 1881-1913 йилларда Туркистон ўлкаси бўйлаб 46 маротаба экспедициялар ташкил қилди¹⁴. Экспедициялар ойлаб давом этар эди. Экспедиция иши қишга тўғри келиб қолган пайтларда уни баҳоргача чўзишга мажбур бўлар эдилар. Асосий транспорт воситаси – от, у ўтолмайдиган вазиятларда пиёда ҳаракатланишга тўғри келарди. Техникалар оғир, ноқулай, қўпол эди. Бундан ташқари, астрономик тадқиқотлар куёш ботгандан кейин, ҳаво ҳарорати кундузгига нисбатан анчайин паст, кун бўйи юриб ҳолдан тойган вақтда амалга оширилар эди. Шунга қарамай, 1900 йилга келиб экспедиция натижасида Туркистондаги 145 та манзилларнинг гравиметрик (ер тортишиш кучига нисбатан) ўлчамлари аниқланди¹⁵. Бу тадқиқотлар 1911 йилга қадар давом этди. Унинг ишларига баҳо бериш учун, мазкур даврда Россияда жами 400 та гравиметрик манзиллар аниқланганлигини эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, махсус қурилмалар ёрдамида И.И. Померанцев ва унинг ёрдамчиси П.К. Залесский Ўрта Осиёдаги юзлаб манзилларнинг координатларини аниқладилар. Жумладан, биргина П.К. Залесский томонидан 700 дан ортиқ манзилларнинг аниқ координатлари қўлга киритилди.

¹² Булаевский Н. П.К. Залесский и его научная деятельность // Доклад на Общем Собрании Туркестанского Отдела Императорского Русского Географического общества. 22.XII.1916. 1-бет.

¹³ Ўша асар, 3-бет.

¹⁴ Булаевский Н. П.К. Залесский и его научная деятельность // Доклад на Общем Собрании Туркестанского Отдела Императорского Русского Географического общества. 22.XII.1916. 3-бет.

¹⁵ Милованов В. Гравиметрические работы П.К. Залесского. // Доклад на Общем Собрании Туркестанского Отдела Императорского Русского Географического общества. 22.XII.1916. 19-бет.

Обсерватория ташкил этиш даврида шунга ўхшаш манзиллар координатлари К.В. Шарнгорст, П.П. Кульберг, А.Р. Боднорф каби харбий геодезистлар томонидан амалга оширилган эди¹⁶. Бу ўлчамлар меридианга нисбатан бурчак ҳисобида ўлчанган оралик хронометр ёки телеграф оркали қўлга киритилган эди. Унинг илмий мероси фақатгина 1917 йилдан кейингина маълум қилинди. П.К. Залесский Ўрта Осиёнинг қийин тоғли ҳудудларида олиб борган астрономия-геодезия ва гравиметрия соҳасидаги илмий изланишлари учун олтин медал билан тақдирланди. П.К. Залесский 37 йил обсерваторияда директор ёрдамчиси лавозимида фаолият юритди. Фақатгина ўлимидан бир йил аввал у директор лавозимида тайинланган эди.

1880 йилда харбий топография бўлим бошлиғи, геодезист генерал И.И. Стебницкий топшириғига кўра, обсерваторияга директор этиб харбий геодезист И.И. Померанцев¹⁷ тайинланди. У 1885-1886 йилларда обсерваториянинг асосий биносини қайта қурдирди. Бундан ташқари, у обсерватория тўпламларини нашр эттира бошлади. 1882 йилда обсерваторияга аввалдан сотиб олинган меридиан халқаси ўрнатилди. Шунингдек, И.И. Померанцев 1890 йилга қадар Фарғона водийси геоид тузилишини (ер сатҳининг харитада акс этиши) тадқиқ этди. Обсерваториянинг иккинчи директори Д.Д. Геденов (1854-1908) 1895-1896 йилларда кенгликлар ўзгарувчанлигини ўша давр учун энг аниқ ўлчамлар оркали кузатишга эришди. Умуман олганда, Тошкент обсерваторияси астрономлари Ўрта Осиё картографияси учун катта илмий изланишлар олиб бордилар.

1892 йилда Д.Д. Геденов Репсольд фирмасига тоғли экспедициялар ва бошқа кийин шароитларда фойдаланиш қулай бўлиши учун кичик қурилма ишлаб чиқишни тавсия қилди. Рус дала астрономлари Д.Д. Геденов қурилмасини 1893 йилдан ўз экспедицияларида кенг қўллай бошладилар. Д.Д. Геденовнинг таъкидлашича, Афғонистон чегараларида учратган инглиз геодезистлари Рус генерал штаби геодезистлари қурилмаларига нисбатан анчайин қулай ускуналардан фойдаланган эканлар. Бундан ташқари, Д.Д. Геденов бошчилигида 1884 йилда ер сатҳини аниқ ўлчашда янги усул ишлаб чиқилди. У Тошкент шаҳри кенглигини ўлчаш бўйича кўплаб кузатувлар олиб борди. Унинг Юлдузлар ёрдамида соатни аниқлашга қаратилган тадқиқоти оркали, Қутб юлдузи атрофида-

¹⁶ Полный каталог астрономических определений Туркестанского военного округа и прилегающих к нему земель (1867 - 1911). Составил производитель астрономических работ Туркестанского Военно-Топографического Отдела полковник П.К. Залесский. Ташкент: типо-литография В.М. Ильин, 1911.

¹⁷ Воронцов-Веляминов В.А. Очерки истории астрономии в России. М.: Государственное издательство технико-теоретической литературы, 1956. 196-бет.

ги юлдузларни вертикал кузатиш усули билан вақтни аниқлаш мумкин эканлигини исботлаб, фанда вақт белгилаш бўйича янги усул жорий қилди. Д.Д. Гедеоновнинг астрономия-геодезия фанидаги илмий ютуқлари юқори баҳоланиб, Россия география жамияти томонидан кумуш медаль (1885) билан, Литке номидаги олтин медаль (1905) билан тақдирланган.

Албатта, Тошкент обсерваторияси икки нафар тадқиқотчисини ойлаб давом этувчи экспедицияларга юборган пайтда меридиан астрометрияси бўйича катта ва тизимли тадқиқотлар олиб боришга қодир эмас эди. Шунга қарамай, И.И. Померанцев ва Д.Д. Гедеонов ҳаваскор астроном В.П. Энгельгардт ёрдамида меридиан халқа ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Мазкур қурилма орқали юлдузлар жойлашган ўрнини аниқлаб солиштиришга имкон пайдо бўлди. Тошкент обсерваториясида меридиан халқаси ёрдамида амалга оширилган ягона тизимли тадқиқот 1910–1916 йилларда Н.Ф. Булаевский томонидан амалга оширилди, ammo мазкур тадқиқот баъзи сабабларга кўра, охирига етмай қолган эди.

Тошкент обсерваториясига аввал бошиданоқ геофизикага оид тадқиқотлар олиб бориш вазифаси юклатилган эди. Унга юклатилган кўплаб вазифаларни кичик штат ва хилма-хиллик туфайли бажариш жуда қийин кечар эди. Бироқ обсерватория тадқиқотчилари ҳукумат топшириғига кўра, асосий астрономик тадқиқотлар четда қолиб, чекка ҳудудларга экспедициялар уюштиришга мажбур эдилар. Шунга қарамай, обсерватория ходимлари обсерваториянинг белгиланган вазифаларидан ташқари, эрта тонгда астрофизика тадқиқотлари билан шуғулландилар. Хусусан, 1884–1888 йиллар давомида П.К. Залесский ва И.И. Померанцев доимий равишда куёш доғлари статистикасини тузиб бордилар. 1904 йилда бу тадқиқотлар астроном ва геодезист М.И. Осипов томонидан давом эттирилди. У 1904–1908 йилларда Тошкент обсерваториясида директор вазифасида эди. Кейинроқ бу каби тадқиқотлар обсерваторияда 1915 йилга қадар мунтазам давом эттирилди.

1891 йилда Бредихин ташаббуси ва хомийлигида Тошкент обсерваториясига 13 дюймлик астрограф ва коинотдаги жисмлар оралиғини ўлчовчи қурилма буюртма қилинди. Иккала қурилма ҳам Репсольд фирмасидан буюртма қилинган эди. Фақатгина астрограф объективи Анри фирмаси маҳсулоти эди. 1894 йилда мазкур қурилмалар Тошкент обсерваториясига ўрнатилди. 1895 йилда Бредихин таклифига кўра, Ҳарбий топографик бўлим астрофизик лавозимини жорий қилди. Бу лавозимга Пулководаги ёш астроном В.В. Стратонов тайинланди¹⁸. Обсерватория

¹⁸ Воронцов-Веляминов В.А. Очерки истории астрономии в России. М.: Государственное издательство технико-теоретической литературы, 1956. 200-бет.

директори, ҳарбий геодезист Д.Д. Геденов Туркистон ҳарбий округи ҳарбий топография бўлими штаб бошлиғи С.И. Жилинскийнинг талабига биноан астрофизик олимга илмий изланишлар олиб бориш учун тўлиқ эркинлик яратиб берди. Хусусан, Обсерватория бошлиғига В.В. Стратоновнинг хорижий фирмалар билан обсерватория учун қурилмалар буюртмасига алоқадор ёзишмаларини назорат қилиш, унинг рухсатисиз астрографдан фойдаланиш, ҳаттоки, астрофизика лабораторияси ёки биносига кириш ҳам тақиқланган эди¹⁹.

В.В. Стратоновнинг Тошкент обсерваториясидаги илмий фаолияти энг самарали бўлган эди. Бундан ташқари, бу давр обсерваторияда астрофизика ва юлдуз астрономияси тадқиқотлари бошланиш даври бўлганлиги билан ҳам аҳамиятли эди. Хусусан, олим астрограф ёрдамида осмон ва осмон жисмларининг 400 дан ортиқ суратларини олишга мушарраф бўлди. Жумладан, 200 га яқин глобал ва очик юлдуз тўпламлари (кластерлари), кичик сайёраларнинг турли ракурслардан олинган суратларини қўлга киритди.

1900 йилда Эрос номли кичик сайёрани тадқиқ этиш учун Париж обсерваторияси халқаро лойиҳа эълон қилди. Мазкур лойиҳада Тошкент обсерваториясидан В.В. Стратонов иштирок этди. Унинг зиммасига Эрос кичик сайёрасини ҳар куни 2 маҳал – Қуёш ботишидан ва чиқишидан аввал суратга олиш вазифаси юклатилди. Бу тадқиқот, биринчидан, унинг Қуёшга нисбатан жойлашган ўрнини аниқлашга, иккинчидан, бошқа кутблар билан солиштириш имконини берар эди. Бундан ташқари, Тошкент шахрининг осмони мусаффолиги ҳам илмий тадқиқотларда жуда қўл келган эди.

Эрос кичик сайёрасини тадқиқ этиш Тошкент обсерваториясида 1900 йилда бошланиб, 1901 йилда яқунланди. Тадқиқотчи томонидан жами 85 та сурат қўлга киритилди. Ушбу суратлар сайёранинг 360° ракурсдаги ҳолатини акс эттириши билан ҳам аҳамиятли эди²⁰.

1900-1901 йилларда В.В. Стратонов Сомон йўли, ёрқин ва қоронғу туманликлар, ўзгарувчан юлдузлар, сайёралар, Қуёш юзаси суратларини олишга мушарраф бўлди. Тадқиқотчи Тошкентнинг ёрқин ва шаффоф осмонидан фойдаланиб юлдузлар тўплами ва туманликларни суратга олиш жараёнини соатлаб, баъзан эса, бир неча тунлар давомида кузатди.

¹⁹ Булаевский Н.Ф. Заметки из истории Ташкентской астрономической и физической обсерватории // ИАИ. Вып. 19. 1987. 325-340-бетлар.

²⁰ Фотографические наблюдения планеты Эроса В.В. Стратонова. // Труды Ташкентской астрономической и физической обсерватории. №4. Ташкент: «Типография штаба Туркестанского Военного округа», 1904. 1-бет.

Хусусан, Плеяд юлдузлар тўплами парчалари суратларини бирлаштириш учун 10, 17 ва хатто 25 соат тўхтовсиз суратга олиб туриш талаб этилган эди. 25 соатлик парчаларни бирлаштириш учун эса, 9 тунлик кузатув талаб этилган эди. Персея номли икки томонлама юлдуз тўплами сурати парчалари 30 соатни ташкил қилган эди. Мазкур суратлар бугунги кун билан таққосланганда юлдузларнинг умумий ҳаракатини кузатиш имкони пайдо бўлади. Бу фотосуратлар йиллар ўтиши билан ўз қийматини ошириб бориши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам В.В. Стратонов суратлари бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Куёшни тадқиқ этиш бўйича В.В. Стратонов ўз устози А.К. Кононович ишларини давом эттириб, турли кенгликларда машғал ёрдамида Куёш қатлами айланиш тезлигини батафсил ўлчади. 1895 йилдаёқ, у Германияда нашр этилган «Astronomische Nachrichten» журналида мазкур тадқиқот бўйича дастлабки натижаларини эълон қилди. 1897 йилда эса, Санкт-Петербург Фанлар академияси тўпламларида ушбу мавзу доирасида 100 бетлик катта мемуар асар чоп эттирди. Мазкур китоб давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Тадқиқотчи илмий хулосасига кўра, Куёшнинг ўз ўқида айланишида ягона қоида мавжуд бўлмай, ҳар бир кенглик унинг айланиш тезлигига турлича таъсир қилиши исботланди.

В.В. Стратонов юлдузлар тўпламларини тадқиқ этишга кўп эътибор қаратди. Жумладан, у Плеяд юлдузлар тўламидаги юлдузлар статистикасини тузди, уларнинг алоҳида ҳаракатини ўлчади, бир-бирига таъсирини ўрганди.

Бундан ташқари, тадқиқотчи кўплаб ёрқин юлдузлар тўпamidан ҳосил бўлган туманликларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Уларда у толали, баъзида эса, титилган тизимни аниқлади. Шунингдек, В.В. Стратонов Персея юлдузлар тўплами, Геркулесдаги глобал юлдуз тўплами ва бошқа юлдузлар тўпламларини тадқиқ қилди. Туманликлардан ташқари, В.В. Стратонов Лира ва бошқа юлдузлар туркумидаги доира туманликларини ҳам ўрганди.

Тадқиқотчи юлдуз астрономияси соҳасида кизиқарли натижаларни қўлга киритди. В. Среве, Г. Зеелигер каби астрономлар тадқиқотларини давом эттирган В.В. Стратонов юлдузларни ёруғлигига қараб тасниф қилди ҳамда уларни батафсил ўрганди. В.В. Стратонов Бонн ва Кап тафсилотлари статистикаси асосида Сомон Йўли юлдузлари кенглиги ва уларнинг ўзаро жойлашган ўринлари оралиқ масофаларининг камайиб бориши бўйича ўз назариясини ишлаб чиқди. Мазкур назария асосида у 900000 юлдузни 0,5 м. оралиқда жойлаштириб, осмон жисмлари харитасини тузди.

Тошкент обсерваториясида, шунингдек, ҳаракатланувчи юлдузлар ҳам визуал кузатиладиган эди. Мазкур кузатувлар ҳам ўзининг тарихийлиги билан бугунги кунда фанда катта қийматга эга. Обсерваторияда юлдуз астрономиясига катта эътибор қаратилган эди. Хусусан, В.В. Стратонов айнан Тошкент обсерваториясида, Сомон йўли юлдуз булутлари тўпламидан ҳосил бўлган, деган хулосага келган эди. Мазкур хулоса йиллар ўтиб кўплаб олимлар илмий изланишлари натижасида ўз исботини топди. Шунингдек, В.В. Стратонов Галактикамиз тузилишини ҳам аниқлади. Унинг модели В. Струве ва Г. Зеелгер чизмаларидан фарқ қилар эди. Мазкур тадқиқотнинг муҳим илмий янгилигидан бири юлдуз булутларининг кашф этилиши бўлди. Ушбу йирик тадқиқот 1900-1901 йилларда «Борлиқ тузилишини ўрганиш» номли француз тилида нашр қилинган икки қисмли китобда ўз аксини топди. В.В. Стратоновнинг кўплаб илмий мақолалари ҳаракатланувчи юлдузлар, 1901 йилдаги Янги Персея, 1869-1897 йиллардаги Леонид метеор оқимининг кузатувиغا бағишланган эди.

1898-1899 йилларда обсерваторияда астрофизика лабораторияси биноси қурилди. 1900 йилда обсерваторияга бошлиқ этиб С.С. Козловский тайинланди. Унинг буйруғи билан 1904 йилдан сейсмик кузатувлар олиб бориш учун обсерваторияга махсус қурилмалар олиб келинди²¹. Натижада 1900-1916 йиллар давомида Туркистонда содир бўлган сейсмик ҳолатлар ҳам обсерватория тадқиқотчиларини бефарқ қолдирмади. Жумладан, Андижон, Фарғона, Тошкент каби ҳудудлар яқинидаги тоғли ва тоғолди ўлкаларда содир бўлган zilzilалар ҳам обсерватория ходимлари томонидан ўрганилди²².

1904-1911 йиллар давомида обсерваториядаги астрофизик лавозимига илгари Харьков ва Юрьевода фаолият олиб борган И.И. Сикора тайинланди. У кўплаб кометаларнинг расмини олишга мушарраф бўлди. Бундан аввал (1899-1900 йилларда) И.И. Сикора Шпицберген оролидаги геодезия ўлчовларида иштирок этган эди. У фанда биринчилардан бўлиб кутб нури спектри (синиш хоссаси)ни ўрганган эди (1901-1907 йиллар). 1907-1909 йилларда у метеорлар тезлигини фотографик аниқлаш усулини фанда жорий қилиб, 1896 ва 1914 йиллардаги куёш тутилиш ходисасини кузатган. Умуман олганда, у XX асрда хориждаги энг ҳаракатчан ва ташаббускор астрофизиклардан бири сифатида тилга олинади. Хулоса қилиб айтганда, Россия империяси ўлкани ўрганиш мақсадида ташкил этган Тошкент обсерваториясида бир тарафдан ўлка топогра-

²¹ ЎзР МДА. И-3 жамғарма, 1-рўйхат, 113-йигма жилд, 60-варақ.

²² ЎзР МДА. И-3 жамғарма, 1-рўйхат, 113-йигма жилд, 60-61-варақлар.

фияси ўрганилган бўлса, иккинчи тарафдан, астрономия соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борилди. Хусусан, обсерваторияда фаолият юритган илмий ходимлар томонидан Куёш ҳаракати, учар жисмлар, юлдузлар ҳаракати илмий таҳлил этилди. Уларнинг илмий хулосалари Обсерватория тўпламларида чоп этиб борилди. Мазкур илмий изланишлар ўлка тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида қимматлидир.

Ж. ПЕРЕМКУЛОВ

ТОШКЕНТ ОБСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

Мазкур мақола XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида фаолият олиб борган Тошкент обсерваториясида ўлкани табиий жиҳатдан ўрганган тадқиқотчиларнинг илмий меросига бағишланган. Хусусан, тадқиқотчилар томонидан, ўлка картографияси учун зарур топографик ўлчамлардан ташқари, бевосита осмон жисмлари ҳаракатини ўрганишга оид илмий изланишлар ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: обсерватория, климатунослик, хариташунослик, топография, геодезия, геодид, координат, астрограф, комета, метеор, сейсмология ва б.

Ж.ПЕРЕМКУЛОВ

ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТАШКЕНТСКОЙ ОБСЕРВАТОРИИ

Статья посвящается научному наследию исследователей Ташкентской обсерватории, изучавших природные особенности края во второй половине XIX – начала XX вв. Также, проанализированы научные исследования по определению топографических измерений для развития картографии и изучению небесных тел.

J. PEREMKULOV

**THE HISTORY OF THE ACTIVITY OF TASHKENT
OBSERVATORY**

The article analyses scientific heritage of researchers studying the area from natural point of view who were conducting researches at Tashkent Observatory in the second half of the XIX – early XX centuries. Particularly, besides topographic measures that were necessary for cartography, the researchers directly conducted investigations dedicated to study the movements of space objects.

Ш. РАВШАНОВ

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МАРКАЗИЙ ГУБЕРНИЯЛАРИДАН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА КЎЧИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН

Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилгандан кейин, бу ерда у мавқеини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратди. Туркистонга Россиянинг аҳолиси зич бўлган марказий ва ғарбий губернияларида яшовчи христиан динининг православ оқимиغا эътиқод килувчи аҳолиси кўчирила бошланди.

Туркистонга Россия аҳолисини кўчириш масаласи, ўлканинг босиб олинган кунидан бошланган эди. 1873 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги лойиҳада генерал-адюдант фон-Кауфман томонидан, империянинг ғарбий губернияларидан Туркистонга кўчиб келувчи татар бўлмаганлар учун давлат томонидан 15 йиллик пулли имтиёз ва енгилликларни таъминлаш, ҳарбий хизмат мажбуриятидан озод этиш, оғир ёлланма меҳнатга жалб қилмаслик, маҳаллий аҳолига аралаштирилмаслик асосида давлат ерларига кўчириб жойлаштириш таклиф этилган¹ эди.

XIX аср охирларида Туркистон ўлкасида 116 та рус поселкалари ташкил этилган бўлиб, уларда 70 745 нафар аҳоли истиқомат қилган бўлса, XX аср бошларига келиб 197 420 минг кишига етди. Кўчириб келтирилган аҳолининг катта қисми ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ҳудудига тўғри келар эди². Чунки 1867 йил 11 июлдаги император Александр II фармони асосида маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Бу давргача Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида бўлган Еттисув области ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган эди³. Кейинчалик Еттисув вилояти (ҳозирга Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг шимолий-шарқий ҳудудлари) 1882 йилдан 1899 йилгача Дашт генерал-губернаторлиги таркибига киритилган.

Айнан 1876 йилда Туркистоннинг туб вилоятларида биринчи рус қишлоғи ташкил этилган бўлса, 1899 йилгача яъни, 23 йил давомида Туркистоннинг учта вилоятида 69 та кўчиб келганлар посёлкаси ташкил

¹ ЎзР МДА, И-717-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд. 614-варак.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Тошкент: Шарк, 2000. 221–222-бетлар.

³ Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в. Дис. д.и.н. Тошкент, 1994. 59-бет.

этилди. Шундан 55 та Сирдарё вилоятида, 9 та Самарқанд вилоятида ва 5 та Фарғона вилоятида. Улардаги аҳоли сони 24 388 минг нафарни ташкил этди⁴.

1886 йил 12 июнда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида” низом қабул қилинди. Низомда кўчирилиш масалаларини тартибга солувчи дастлабки қондалар ишлаб чиқилди⁵. Мазкур низомга 1889 йил 13 июлда бир қанча тузатишлар киритилиб, қонуннинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва давлат кенгаши томонидан тасдиқланди. Киритилган ўзгартиришларга кўра, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига кўчириш жараёнини тартибга солиш ва ўзбошимчалик билан кўчиб келувчиларни тўхтатиш масалалари янги қонун лойиҳасида ишлаб чиқилди. Мазкур қонуннинг биринчи бандида келтирилган тартибга кўра, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига кўчиш истагида бўлган аҳоли, келиб чиқиши рус миллатига мансуб бўлган христиан динининг православ оқимига эътикод қилувчилар, кишлоқ “обивателлари” ва мешчанларга таалуқли эди. Ҳар бир кўчиб келувчини Туркистон генерал-губернаторининг розилиги асосида, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Зироатчилик ва Давлат Мулклари вазирлигининг махсус рухсатномаси билан, Империянинг европа қисмидаги қайси губернияси ёки вилоятдан келаётганлигини тасдиқловчи рўйхат (маълумотнома) асосидагина қабул қилиш белгилаб қўйилди⁶.

Туркистон генерал-губернаторлигининг асосий туб вилоятлари ҳисобланган Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига империя ҳудудидан аҳолини кўчириб жойлаштириш анча муаммоларни келтириб чиқарар эди. Чунки мазкур вилоятларда, айниқса, Фарғона вилоятида маҳаллий аҳоли жуда зич жойлашган бўлиб, у ердаги аҳолининг ўзига ҳам ер захираси етишмас эди, чунки асосий экин майдонлари маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, банд қилинганди. Фарғона водийсида бошқа вилоятлардан фарқи ўлароқ, ерга ишлов беришнинг ўзига хос анъанавий усуллари мавжуд эди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли сунъий суғориш усулидан фойдаланишда, ерга ишлов бериш борасида юқори малакага эга эди. Шундай бўлишига қарамасдан, империя маъмурияти Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчиришни мақсад қилди. 1876 йилда Кўкон хонлиги тўлалигича тугатилиб, унинг ўрнида маркази Янги Марғилон қилиб Фарғона области ташкил этилди. Вилоят маъмурий

⁴ ЎзР МДА, И-717-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд. 616-варақ.

⁵ Гаврилова Н. Переселенческое дело в Туркестанском край. С.-Петербург, 1911. 12-бет.

⁶ ЎзР МДА, И-717-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд. 613-варақ.

жихатдан дастлаб етгита уездга, яъни, Чуст, Наманган, Андижон, Ўш, Исфара, Марғилон ва Қўқон уездларига ажратилди⁷.

Россия империяси Фарғона областини катта микдорда пахта хом ашёсини етиштирувчи базага айлантиришни режалаштирилди. Шунинг учун вилоятнинг барча захира ер майдонлари ўрганиб чиқилди ва рўйхатга олинди. 1891 йилда Туркистон генерал-губернатори А.В. Вревскийнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан маҳаллий аҳоли орасида рус аҳолисини кўпайтириш ва ҳатто аралаштириб юбориш мақсадида империянинг бошқа губернияларидан катта микдордаги аҳолини кўчириб жойлаштиришга оид тадбирлар бошлаб юборилди. Натижада 1893 йилда Фарғона вилоятининг Ўш уездида Покровский номи билан биринчи рус поселкаси ташкил этилади ва 1896 йилга келиб руслар Покровскийда 86 та хўжалик 1 348 десятин ерга эгалик қилишган эди⁸. Мазкур вилоятда маҳаллий аҳолининг зич жойлашганлиги, ер тақчиллиги, кўчиб келтириладиган аҳолида янги муҳитда деҳқончилик қилиш амалиёти ва сунъий суғориш малакасининг йўқлиги туфайли кўчкинчи аҳолига ер майдонларини кўпроқ тоғ олди воҳа худудларда ўзлаштирилмаган лалмикор ерлардан бериш ва бу ерларда лалми ғаллачилик билан шуғулланиш ҳамда кўпроқ ёмғир сувларидан фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилган.

Бироқ, генерал-губернатор бу тартибга эътироз билдириб, рус кўчкинчи аҳолига бу ҳолат маъқул келмаслиги ва ҳеч бўлмаганда ҳар бир оила учун 2 ёки 3 десятинадан суғориладиган ерлар билан таъминланиши керак деб таклиф билдиради. Лекин барибир Қўқон ва Марғилон уездларида ўзлаштирилган бўш ерлар топилмади. Наманган ва Андижон уездларида 1892 ва 1893 йилларда ер қидирув ишлари давом этирилди. Ниҳоят 1893 йил март ойида кўчкинчилар учун қулай бўлган ер майдони белгиланди ва март ойида 5 кишидан таркиб топган махсус комиссия тузилиб, Ўш уездидаги Қўчкор ота ариғи атрофидан ҳар бир оилага 8 десятин суғорса бўладиган ва ҳар бир ҳовлига 1 десятинадан тайёр ўзлаштирилган ер ҳамда эплай олиш имкониятига қараб чегараланмаган микдорда лалми ерлар, шунингдек, черков учун ер майдони ва рухонийларга қурилиш жойлари ажратиб берилди⁹.

⁷ К.П. фонь-Кауфман. Проект всеподданейшаго отчёта по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанскаго генераль-губернаторства. 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 г. Военная Типография. Санкт-Петербург, 1885. 73-бет.

⁸ Половцева А.А. Отчёт чиновника особых поручений при Министерстве внутренних дел, командированного в 1896-1897 г.г. для собрания сведений о положении переселенческого дела в Туркестанском крае. СПб., 1898; 193-бет.

⁹ Шу жойда. 193 – 194 бетлар.

Комиссия (кўчирилганлар махсус рухсатнома олгандан сўнг, Туркистон генерал-губернаторлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Зироатчилик ва Давлат Мулклари вазирлиги каби давлат органларининг махсус вакиллари сараланиб улар томонидан кўчирилганларни жойлаштириш учун 3-4 кишидан иборат махсус комиссия тузилади) мақсади кўчкинчиларни ажратилган ерларга жойлаштириш эди. Кўчиб келганларни жойлаштириш чоралари учун керак бўладиган зарурий харажатлар учун 1893 йил август ойида генерал-губернатор томонидан 1 000 рубль (1914 йилда 1 рубль-0,515 долларга тенг) пул маблағи ажратилган ва мазкур пулни таксимлаш учун харбий-губернатор Андижон уезди бошлиғига икки кишидан иборат махсус ижро этувчи нозир тайинлаб пулни деҳқонларга тарқатиш тайинланди. Кўчиб келувчилар бошланишига Малороссийск (Украина) губерниясидан келган 20 та оила, 1894 йил охирида Ўш - Ўзган йўналиши бўйича 40 та оила, 1895 йилда 72 та, 1896 йилда 86 та оила жойлаштирилди. Бу ерга турли хил жойларда сарсон-саргардон бўлган деҳқонлар босқичма-босқич, ҳатто жанубий-Уссурия ўлкасида бўлган деҳқонлар ҳам келиб жойлашган эди. Покровскийда Россиянинг жами 21 та губерниясидан йиғилган деҳқонлар яшар эди.

Империя ички ишлар вазирлигининг махсус топшириғи билан Туркистонга келган давлат кенгаши аъзоси А.А. Половцевнинг ҳисоботида кўрсатилишича, мазкур посёлкада яшовчи деҳқонлар аввалига Фарғонанинг муҳити ва тупроғига яхши тушунмаган, экин экиб уни суғориш амалиётидан беҳабарлиги туфайли ҳосил ололмаган. Кўчиб келганлар кейинчалик водийнинг иклимини ўрганиб унумдор тупроғида деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа маҳаллий хўжалик юритиш турларини ўзлаштириб, яхши даромад олганлиги ва посёлкадаги харажатлардан ташқари 170 рубль миқдордаги маблағ ҳам йиғилганлиги таъкидланади. Покровскийда 1896 йилда черков қурилмаса-да, ғазна ҳисобидан ижара хонадонда мактаб очилади. Покровскийга энг яқин бўлган аҳоли маркази 12 верст (1 верст-1,067 км) масофада сартлар яшайдиган Ўзган қишлоғи ва Ўш маркази (тоғ орқали борилса 40 верст масофани ташкил этган) аҳолиси ўзаро ҳамкорлик ва савдо алоқаларини амалга оширган. Савдо-сотик, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳатто Наманган уездида яшаган битта оила асаларичиликни ўрганиб, кейинчалик Покровскийда ҳам асаларичиликни йўлга қуяди. Мазкур тармоқлардан олинadиган даромад ҳисобига бойиган ўзига тўқ, айрим рус оилалари маҳаллий аҳоли вакилларида хизматчи ҳам ёллаб, йиллик 30 - 65 рублгача, ойлик 6-8 рублгача, кунлик 40 - 50 копескгача миқдорда меҳнат ҳақи тўлашга имконлар мавжуд бўлган. Шунингдек, мазкур рус деҳқонларининг ижти-

мой ҳаёти ва турмуш тарзи учун Фарғона жуда маъқул келади, чунки ўша пайтда қанча-қанча рус деҳқонлари империянинг шарқий ўлкаларида ўзларига қулай бўлган макон излаб дайдиларча юришар эди. Ҳатто, Олой тоғ тизмасининг Фарғона областига қарашли бўлган қисмида ҳам бир неча гуруҳ ўзбошимчалик билан кўчиб келган рус кўчкинчилари қузатилган¹⁰. Ўша пайтда Россиянинг марказий ва ғарбий губернияларида меҳнат қилувчи аҳоли ҳам помешчиклар (йирик заминдорлар) томонидан эксплуатация қилинарди.

П.А. Фомченконинг “Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX в. (социально-экономический аспект)” номли монографиясида келтирилишича, 1893 йилда Фарғона областида ташкил топган Покровский посёлкасига 200 та оила кўчирилган ва жами 4 000 десятин ер ажратилган, чунки Қўрбоши деб номланган жойнинг маҳаллий аҳолиси ўз ерларини ташлаб кетганидан кейин (мазкур аҳолига қўшимча солиқ турларини тўлаш мажбур этилган. – Р.Ш.) бу ерлар ҳам рус кўчкинчиларига берилган экан.

Наманган уезди бошлиғи ташаббуси билан 1897 йилда Чотқол тоғ дарёси бўйларидаги ерларга жойлаштиришни мақсад қилиб, Киев губерниясидан 200 та оила чақирилади. Натижада яна иккита, биринчиси, Наманган уездининг шимолий-шарқий томонида жойлашган тоғ олди қисмининг Успенский деб номланган жойга 76 та хонадон, иккинчиси, Андижон уездига Николаевский деб номланган жойга 55 та хонадонли рус кўчирилганлар қишлоғи ташкил этилди¹¹. Қолган оилалар эса Ўш уездига яна ўша Покровский посёлкасига, яна бир қисми Русское Селога, яъни, 1898 йил май ойидаги Дукчи Эшон кўзғолонидан кейин маҳаллий аҳолидан мусодара этилган қишлоққа жойлаштирилган. Кейинги 3 йил давомида Андижон уездида яна иккита – Спасское ва Благовещенское, ҳамда Ўш уездида яна битта Рождественское номли рус қишлоқлари ташкил этилди¹².

Бундай рус қишлоқларининг ташкил этилиши кенг доирада Россия деҳқонлари орасида овоза бўлиб кетди, бутун империя бўйлаб газеталарда хабар чоп этилди, 1903 йил 1 июнда қабул қилинган тартиб

¹⁰ Половцева А.А. Отчёт чиновника особых поручений при Министерстве внутренних дел, командированного в 1896-1897 гг. для собрания сведений о положении переселенческого дела в Туркестанском крае. СПб., 1898; 195-197 бетлар.

¹¹ Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX в. (социально-экономический аспект), Тошкент: Фан. 1983, 41-бет.

¹² Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Переселенческое дело в Туркестане. СПб., 1910; 221-бет.

бўйича Туркистон ўлкаси кўнгиллилар учун очик деб эълон қилиниши деҳқонларнинг Фарғонага келишига кучли туртки бўлди.

1902 йилдаёқ Андижон уездининг Кугартский, Ўзган ва Яссин волостларида кўчирилган деҳқонлар маҳаллий қирғизлар билан ўзаро келишган ҳолда унча катта бўлмаган ерларни сотиб олиб, ўзбошимчалик билан жойлашиб олган эди. Чунки маҳаллий кўчманчи аҳолининг ерлари хусусий мулк сифатида авлоддан-авлодга қолдириш ваколати мавжуд бўлган. Ўша пайтларда маҳаллий аҳоли ва рус кўчкинчи деҳқонлар орасида ҳеч қанақа душманлик ҳолатлари кузатилмасди. Россиядан кўчирилганларнинг оқими кўпайиб бориши натижасида кўчирилган аҳоли томонидан маҳаллий қирғизларнинг ерлари мажбурий тарзда, ўзбошимчалик билан тортиб олиш ҳолатлари ҳам кўпайиб борди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ва кўчкинчилар орасида низоларни келтириб чиқарди, айрим жойларда ўзаро тўқнашувлар ҳам вужудга келган эди¹³. Маҳаллий ва кўчкинчи аҳоли ўртасида вазият кескинлашиб борди. Мазкур кўчиб келувчилар оқими 1907 йилгача давом эттирилди. 1903 йил 1 июнда барча кўчиб келувчилар учун Туркистон ўлкасининг очиклиги, 1904 йил 6 июндаги, 1906 йил 10 март ва 26 ноябрдаги император фармонида асосланиб, 1907 йилда барча деҳқон ва мешчанлар учун махсус рухсатномасиз Империянинг Осиё ҳудудларига кўчиб бориш мумкинлиги, фақатгина, кимда-ким оила аъзоларини ҳам олиб кетсагина давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши тўғрисида матбуотда эълон қилинди. Мазкур эълондаги кўчиб бориш мумкин бўлган ҳудудлар рўйхатига Туркистон ва Кавказ ўлкалари киритилмади, чунки Туркистонга бориш учун яшаш жойидан махсус рухсатнома олиш керак эди¹⁴. Фарғона областига келаётган ўзбошимча кўчкинчилар оқимини тўхтатиш мақсадида Туркистон генерал губернаторлиги девонхонаси ҳарбий вазирлик, зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси, кўчириш ишлари бошқармаси ва бошқа маъмурлар билан олиб борилган ёзишмалари натижасида бир қанча чоралар кўрилди. Шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси номидан “Туркестанские ведомости”нинг 1907 йил 82 сонидан келтирилган эълонда, “1907 дан бошлаб Туркистон ўлкаси барча кўчирилганлар учун ёпиқ” эканлиги хабар қилинди. “Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасининг Фарғона области ҳарбий губернаторига 1906 йилдан бошлаб вилоятга кўчиб келганларга ҳеч қандай ер

¹³ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Переселенческое дело в Туркестане. СПб., 1910, 221–222-бетлар.

¹⁴ ЎзР МДА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 5049-йигма жилд. 142-143-варағлар.

ажратилмайди ва кўчиб келганлар бор нарсасидан маҳрум бўлади” деган мазмунда хабар жўнатилади. Эълонда девонхона томонидан ўлка бош бошқарувчисига буйруқ асосида “Фарғона вилоятига ўтган йиллардаги каби маҳаллий аҳолининг ерларини мажбурий тортиб олиш ва ўзбошимчалик билан кўчиб келган киши қонун асосида қаттиқ жазога маҳкум этилиши” хабар қилинди¹⁵.

1906 йилгача кўчиб келганлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги низоларни бартараф этиш, уларни ер билан таъминлаш учун бир қанча чоралар кўрилди. Андижон уездидаги 3 та Кугартский, Ўзган ва Яссин волостларидаги кўчкинчиларнинг ўзбошимчалик билан эгалик қилаётган ерларининг бир қисми давлат захирасига, бошқа ерсиз рус деҳқонларига бериш учун мусодара қилинди. Ерсиз кўчирилганлардан 787 оила Фарғона ва Самарқанд вилоятига жойлаштирилди. Фақат 225 тагина оила Мирзачўлга кўчиришга рухсат берилади¹⁶.

Хуллас, Фарғона вилоятига 1897–1901 йилларда ташкил этилган 7 та посёлкага, жами 682 та оила ёки 4 026 нафар Россиялик кўчирилган деҳқонлар ва мешчан*лар келиб жойлашган эди. 1897 йилга аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, келиб чиқиши Россия империясидан бўлган 9 842 нафар аҳоли ҳисобга олинган бўлса, шундан 9 538 нафарини руслар ташкил этарди¹⁷.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Фарғона областида 21 750 нафар рус миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиларди. Шундан 14 220 киши Кўқонда (жами шаҳар аҳолисининг 12 % ни ташкил этган), 4 267 киши Андижонда (5,2 %), 1 874 киши Наманганда (2,5 %), эски Марғилонда 298 киши (0,6 %), 993 киши Ўшда (2,1 %) ва 98 киши Чустда (0,5 %) рус миллати ташкил этган. 1917 йилда Туркистон ўлкасида 750 000 нафар рус аҳолиси истиқомат қилиб, 7,5 миллионлик аҳолига эга бўлган аҳолининг 10% ни ташкил этарди¹⁸. Фарғона вилоятида 1910 йилдан –

¹⁵ ЎзР МДА. И-7-фонд, 1-рўйхат, 5049-йиғма жилд. 8-варақ.

¹⁶ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом. Переселенческое дело в Туркестане. СПб., 1910; 229-бет.

*Мешчан – (Россия империясида: шаҳар майда буржуазиясига мансуб майда савдогар, хунарманд);

2 перен. мешчан, тор манфаатпараст одам, обиватель; ~ во дворянстве дворянликдаги мешчан (у-бу қилиб юқори мартабага, мавкега эришган одам).

¹⁷ Ферганская область. LXXXIX. Материалы Первая Всеобщая перепись населения Российской империи СПб; 1897. 58-бет.

¹⁸ Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX - начале XX в. (социально-экономический аспект). Тошкент: Фан, 1983. 72-бет.

1917 йилгача якка ҳолда фойдаланишга мўлжалланган 34 та участкага 1 257 хонадон кўчирилган, шунингдек, умумий фойдаланишга мўлжалланган 11 та участкага 174 та оила кўчирилган бўлса яна, 126 та мустакил фаолият юритадиган хуторлар ҳам ташкил этилган¹⁹.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Россия Империясининг Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона водийсида мустамлакачилик сиёсатини юритишнинг асосий омилларидан ҳисобланган ер муносабатларининг шаклланишида, иктисодий ва капиталистик муносабатларни ривожлантиришда марказий губерниялардан кўчириб келтирилган аҳоли империя ҳукуматининг асосий таянч қуроли бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Фарғонада кўчирилганларни қабул қилиш ва жойлаштириш бошқа вилоятларга нисбатан анча тартибли ва катъий тартибда амалга оширилди. Шунини алоҳида эътироф этиш керак-ки, оддий кўчирилган аҳоли қанчалик империалистик кўчларнинг таъсирида бўлмасин маҳаллий шароитга мослашди, ўзига хос маданиятни олиб келиб сингдирди ва қабул қилди, биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида Туркистон томонидан иштирок этди. Маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён туриб жамият шаклланишида ўз ҳиссасини қўшиб келди.

Ш. РАВШАНОВ

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МАРКАЗИЙ ГУБЕРНИЯЛАРИДАН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА КўЧИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН

Мазкур мақолада, XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсига Россия империяси ҳудудларидан кўчирилган аҳолининг ижтимоий ҳаёти, уларнинг маҳаллий аҳоли билан муносабатлари ва рус ҳукуматининг кўчирилганларга доир ислохотлари ҳақида қисқача маълумотлар баён этилади. Шунингдек, кўчирилган аҳолининг давлат томонидан амалга оширилган кўчирилиш тадбирлари ва уларнинг салбий аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Туркистон, Фарғона, Андижон, Россия империяси, маҳаллий, генерал-губернаторлиги, ижтимоий ҳаёт, кўчириш, вилоят, уезд, мустамлака, волост, рус.

¹⁹ Ўша жойда. 69-бет.

Ш. РАВШАНОВ

**ИСТОРИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ПЕРЕСЕЛЕНЦЕВ
ВНУТРЕННИХ ГУБЕРНИЙ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ
В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

В данной статье приводятся сведения о социальной жизни переселенцев, их взаимоотношении с местным населением, мероприятия по распределению русских переселенцев со стороны Российской власти в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX века. Также, даются данные о мероприятиях переселенческой политики государства и ее негативных последствиях.

SH. RAVSHANOV

**THE HISTORY OF SOCIAL LIFE OF IMMIGRANT
POPULATION OF RUSSIAN EMPIRE'S INNER GUBERNIYAS
IN FERGANA DISTRICT**

This article provides information about social life of settlers, relationship with local people and Russian authorities' allocation measures towards Russian settlers in the Fergana valley in the second half of the 19-beginning of 20-th century. The article also provides the data on actions of state's immigration politics and its negative consequences.

О. РАШИДОВ

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Ўзбекистонда 1923-1933 йиллардаги совет бошқаруви тизимида давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати 3 босқичда амалга оширилди¹. Биринчи босқич 1923 – 1927 йилларни ўз ичига олиб, бу давр асосан иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказишга ҳаракат қилиш билан тавсифланади. Аммо бу жараёнда бошқарув учун миллий кадрлар тайёрлаш ва уларни турли муассасаларга муносиб тарзда жойлаштириш эътибордан четда қолдирилди. Мазкур босқичда давлат идораларига маҳаллий кадрларни жалб қилиш ва иш юритишнинг ўзбек тилида олиб борилиши юзасидан декретлар, қарорлар, йўриқномаларнинг қабул қилиниши ҳамда қурултой ва конференцияларнинг кўрсатмалари бўлишига қарамай, маҳаллийлаштириш масаласи бир жойда тўхтаб қолган. Маҳаллийлаштириш комиссиясининг ҳисоботларида ушбу масала юзасидан жиддий муаммолар борлиги, жойларга юборилган тажрибачилар камситилаётганлиги, уларга иш ўргатилмаганлиги, ҳатто европа миллатига мансуб раҳбар ходимлар мазкур комиссия қарорига қарши чиқаётганлиги қайд этилган². Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, комиссия кичик сиёсий орган бўлиб, бир кишини ўзича муассасаларда ишга жойлаштира олмаган. Маҳаллийлаштириш комиссиясига иш сўраб келадиган кишиларнинг аксарияти ижтимоий жиҳатдан қийналган ишчи, деҳқонлар бўлган. Бу тўғрида коммунистик партиянинг XII съездида шундай қарор қилинган: “Ўрта Осиё халқларининг маданиятидан орқада қолганларини назарда тутиб, улар орасидан билимли, зарарсиз ва партияга садоқат билан хизмат қиладиган зиёлиларни ҳар қандай йўллар билан тўплаб, совет маҳкамаларига жалб қилинсин”³.

Иккинчи босқич, 1928 – 1930 йилларни ўз ичига олиб, у янги босқич номи билан ҳужжатларда қайд этилган. Бу даврда ишлар илгаридек назарий йўл билан олиб борилмасдан, балки амалий йўлга ўта бошлади.

¹ Қаранг: Рашидов О.Р. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги кадрларни маҳаллийлаштириш сиёсатининг айрим жиҳатлари // O'zbekistontarixi. 1-сон. 2017. 22–33 бетлар.

² Ғиёсиддин. Марказий ерлилаштириш комиссиясининг тузилганига бир йил тўлиши муносабати билан // “Туркистон”. 1924 йил 31 август. 340-сон.

³ Нурулла Мурод. Ўзбекистонда ерлилаштириш ишлари (Мубоҳаса йўли билан) // Қизил Ўзбекистон. 1925 йил 21 декабр. 307-сон.

Бу соҳада маълум ишлар амалга оширилиб, баъзи муаммолар бартараф этилган. 1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида” 20-рақамли қўшма қарори қабул қилинди⁴. Ушбу қарорда давлат бошқарувининг барча жабҳаларида иш юритишни ўзбек ва рус тилларида параллел равишда олиб бориш, европа миллатига мансуб ходимларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун тўғарақлар очиш ҳамда маҳаллий аҳолидан ишчи кадрларни тайёрлаш каби муҳим масалалар яна бир бор таъкидлаб ўтилди⁵.

Янги босқичда баъзи соҳада маҳаллий кадрларни тайёрлаш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат идораларида тажрибачи сифатида амалиёт ўтаётган маҳаллий кадрларга муносабат ўзгарди. Уларни камситиш, муносиб бўлмаган ишларга рўбарў қилиш, меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни орқага қайтариб юборишларнинг олдини оладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг баъзи моддаларига қўшимчалар киритилди. Унга кўра муассасалар раҳбарлари бўлган русийзабон ходимларнинг маҳаллий ишчиларга нисбатан ҳар қандай қаршиликларига жазо чоралари кучайтирилди.

Учинчи, якуний босқичда яъни, 1931–1933 йилларда Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги барча муассасаларда маҳаллийлаштириш ишларининг тугалланиши белгиланди. Ўзбекистонда ССРда давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати большевиклар томонидан белгилаб берилган ва маълум чегара доирасида амалга оширилган. 1931 йил 11 декабрда СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг “Ўзбекистон ССР аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида”ги қарорига⁶ биноан қисқа муддатда давлат идораларини маҳаллийлаштириш ва иш юритишни ўзбек тилига ўтказиш ишини якунлаш лозимлиги таъкидланди. Ушбу қарор асосида 1932 йилнинг 5 январида Ўзбекистон ССР Компартияси МК республикада давлат идораларини ўзбеклаштириш ишларини тўхтатиш тўғрисида 127-рақамли қарорни⁷ қабул қилди. Юқорида таъкидланган қарорлар асосида 1933 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, Ўзбекистон ССРда маҳаллийлаштириш ишлари тўхтатилди.

⁴ Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5194-иш, 19-варақ; Ражабов К., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. Тошкент: O'zbekiston, 2015. Б. 198.

⁵ Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5194-иш, 19-20-варақлар.

⁶ Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 4-иш, 46-варақ.

⁷ Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 612-иш, 1-варақ.

